

Нажот келтирувчи дуолар

Муаллиф: Зиёвуддин Раҳим

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Нажот Аллоҳдандир

Оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтамыз. У Зотнинг Расули Муҳаммад Мустафога, аҳли байтлари ва саҳобаларига салавоту саломлар йўллаймиз.

Меҳрибон Аллоҳ мўмин бандани ёмонликлардан сақлайди. Жумладан, дуо сабабидан банда бошига тушган ва тушиши мумкин бўлган шикаст-балолар қайтарилади. Аммо дуо фақат Аллоҳнинг изни-иродаси билан наф келтиради.

Юнус алайҳиссалом балиқ қорнида кўп тасбеҳ айтди ва нажот топди. Юнусни балиқ қорнидан тасбеҳ қутқаргани йўқ. Балки Аллоҳ ана ўша тасбеҳ сабабидан пайғамбарига нажот берди. Агар у тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганида, қиёматгача балиқ қорнида қолиб кетарди¹.

Аллоҳ таоло Юнус алайҳиссаломга кўрсатган марҳамати ҳақида шундай деган: **“Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берамиз”²**.

Мусулмон киши “Лаа илааҳа иллаллоҳ” калимасини ихлос билан айтса, дунё ва охирада нажот топади. Аллоҳ имон калимаси сабабидан мўмин бандани жаҳаннамдан узоқлаштиради ва жаннатга киритади.

Ривоят қилинишича, саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Таборак сурасини “монеъа”, яъни, қабр азобидан тўсувчи, дейишарди³.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан келтирилган ривоятда Таборак сураси “мунжия”, яъни нажот берувчи дейилган⁴.

Аслида Таборак сураси кишини азобдан халос қилмайди. Балки Аллоҳ мазкур сура сабабидан мўмин бандани қабр фитнасидан сақлайди.

Хуллас, зикр ва дуонинг ўзига суяниб қолинмайди. Аллоҳ бизнинг манфаатимиз учун Ўзи хоҳлаган нарсаларни восита қилган. Булар фақат Аллоҳнинг изни билан фойда беради.

Муаллиф

Дуо қилиш одоблари

Қуйида дуо қилиш одобларини санаб ўтамыз:

1. Дуо қилишдан олдин Аллоҳга ҳамду санолар айтиш.

Улуғ Аллоҳга дуо қилишдан олдин У Зотга муносиб ҳамду санолар айтилади, Аллоҳ макталади. Аллоҳ мактовни яхши кўради.

Қуръони каримнинг биринчи сураси Фотиҳада, аввал Аллоҳга ҳамду сано айтиб, кейин дуо қилиш таълим берилган.

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши дуо қилаётганини эшитдилар. У дуо бошида Аллоҳга мактов айтмади ва Пайғамбарга салавот йўлламади. Шунда Расулуллоҳ: “Бу одам шошилди”, дедилар ва уни чақириб: “Агар сизлардан биронтангиз дуо қиладиган бўлса, бас, Парвардигорига ҳамд айтишдан бошласин. Кейин Пайғамбарга салавот йўлласин. Шундан сўнг хоҳлаганини сўрайверсин!” дедилар⁵.

2. Дуони Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш билан бошлаш.

¹ Соффот сураси, 143-144-оятлар.

² Анбиё сураси, 87-88-оятлар.

³ Насий “Ас-сунанул кубро” да ва Табароний “Кабийр” ва “Авсат” да бу ҳақида ривоят нақл қилган.

⁴ Абд ибн Хумайд “Муснад” да нақл қилган.

⁵ Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Дуо аввалида Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, У Зотдан ўзга илоҳ йўқлиги эътироф этилади. Бунда Юнус алайҳиссалом дуоסי бизларга намунадир. У киши “Лаа илааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимийн”, деб Аллоҳга илтижо қилган.

3. Дуодан олдин қилган гуноҳларини тан олиб, ўзини хокисор тутиш.

Банда дуода Аллоҳдан ҳожатлари раво қилинишини сўрайди. Бунда ўзини камтар тутиш, камчиликларини тан олиб Аллоҳга юзланиш мақсадга мувофиқдир.

Дуо қилаётганда фикру хаёлни бир жойга жамланади. Зеро, фақат тил билан қилинган дуо самара бермайди. Муҳими қалб уйғоқ бўлиши керак.

4. Қалбда хушун пайдо қилиш.

Хушу амаллар қабул бўлишида ва қилинган дуонинг ижобатида катта аҳамиятга эга. Хушу билан қилинган дуо, шубҳасиз қабул бўлади.

5. Қатъият билан дуо қилиш.

Банда қалб тўридаги эҳтиёжларини Аллоҳга арз қилар экан, дуосининг қабул бўлишига зиғирча шубҳа қилмаслиги керак. Ижобатига аниқ ишонган ҳолда дуо қилинади. “Аллоҳ дуойимни қабул қилармикан”, деган гумон билан ўқилган дуо кутилганидек самара бермайди.

Ҳадиси шарифда: “Дуо қилувчи: “Эй Аллоҳ, агар хоҳласанг, менга раҳм қил!” демасин, балки қатъият билан сўрасин. Зеро, уни мажбурловчи йўқ⁶”, дейилган⁷.

6. Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиш.

Банда қўл очиб дуо қилганида Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиши керак. Баъзида қилинган дуонинг ижобати кечикиши мумкин. Шунда Аллоҳга янада кўпроқ дуолар қилинади. “Дуо қилдим, ижобат бўлмапти”, деб ноумид бўлиш мўмин бандага ярашмайди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар биронтангиз: “Дуо қилдим, аммо ижобат бўлмади, деб шошилмаса, дуоסי, албатта, ижобат қилинади”, деганлар⁸.

7. Такрор-такрор дуо қилиш.

Мўмин банда: “Бир-икки сўрадим, бермади”, деб дуо қилишни тўхтатмайди, кўпроқ дуо қилади.

Муҳим ишлар олдидан қилинадиган истихора (Аллоҳдан ёрдам сўраш) етти мартагача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ қилиниши тавсия этилган. Шундай экан, дуони тўхтовсиз қилавериш керак. Зеро, биз сўраган нарсани бериш Аллоҳга оғирлик қилмайди. Аллоҳ дуойимизни қачон ижобат қилишини Ўзи билади.

Қалб очилиб, кўнгилга бир хотиржамлик инганида дуо қилишга аҳамият бериш лозим. Сабаби кишида бундай ҳолат доим ҳам бўлавермайди.

8. Мўмин биродарлари ҳақида дуо қилиш.

Аллоҳ таоло бизларга ўтмишда ўтган мўмин биродарларимиз ҳақида дуо қилишни таълим берган. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминнинг узоқдаги биродари ҳақида қилган дуоסי мустажоб эканини таъкидлаганлар.

Демак, дуода ҳам бошқа мўминлар эсланиб, улар ҳақида яхшилик сўралса, ўша дуонинг ижобат бўлиши тезлашади. Шу билан бирга мўмин биродари ҳақида сўраган нарса банданинг ўзига ҳам берилади.

9. Дуони махфий тарзда қилиш.

Дуо қалб билан боғлиқ. Шунинг учун дуони имкон қадар одамларга билдирмасдан, ихлос билан қилинади. Ошқора дуога риё аралашини мумкин. Аммо махфий дуода ихлос бўлади ва қалбдан чиқади. Қалб тўри отилиб чиққан дардли дуонинг қабул бўлишига шубҳа йўқ.

10. Дуо қилувчининг гўзал суратда бўлиши.

Аввало, қиблага юзланиб, ўзини хокисор тутган ҳолда, покиза либосда ва тоза жойда туриб дуо қилинади. Дуо қилаётганда таҳоратли ҳолда бўлиш афзал.

11. Икки қўлни кўтариб қиблага юзланиш.

⁶ Яъни, Аллоҳ таоло банда сўраган нарсани беришга мажбур эмас. У Зот хоҳласа, беради, хоҳламаса, йўқ.

⁷ Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

⁸ Бухорий ривоят қилган.

Икки қўлни кўтариш банданинг муҳтожлигига далолат қилади. Ҳадиси шарифда айтилишича, банда икки қўлини кўтариб ихлос билан дуо қилса, Аллоҳ банданинг қўлини қуруқ қайтаришдан ҳаё қилади⁹.

12. Дуо қилинадиган жойнинг покиза ва ҳаёлни чалғитувчи нарсалардан холи бўлиши.

Зикр ва дуо покиза жойда қилинади. Шунингдек, банда дуо қилаётганида унинг фикрини чалғитадиган ортиқча зийнатлардан узоқ бўлиш афзал. Сабаби дуода ҳаёл чалғиса, хушу камаяди.

13. Дуо қилувчининг танаси пок бўлиши.

Дуо қилувчининг бутун танаси, айниқса, оғзи пок бўлиши керак. Агар оғиз ҳидланса, мисвок билан тозаланади ёки сув билан мазмаза қилинади. Оғиздан ёқимсиз ҳид келиб турган ҳолда дуо қилиш одобга зиддир.

14. Макруҳ саналган вақтларда ёки жойларда дуо қилмаслик.

Имом хутба қилаётганда, яна нопок жойларда дуо қилиш макруҳ. Сабаби имом хутба қилаётганда хутбани эшитади. Нажосат бор жойда дуо қилинмайди.

Дуода макруҳ саналган амаллар

Куйидагилар дуодаги макруҳ амаллардир:

1. Овозни баланд кўтариш.
2. Икки бармоғи билан ишора қилиш.
3. Дуода ҳаддан ошиш (Масалан, Аллоҳдан ҳаром нарсани ёки гуноҳ ишни сўраш).
4. Мумкин бўлмаган нарсаларни, масалан, дунёда мангу тирик қолишни сўраш.
5. Қайтарилган бидъат-хурофот билан дуо қилиш.
6. Дуода сўзларни қофияли қилиш.

7. Дуода истисно қилиш. Яъни, “Ё Аллоҳ, агар хоҳласанг, ундан қил, бундай қил”, дейиш. Аслида “Ё Аллоҳ, имонимни саломат қил, менга офият бер, икки дунё саодатига эриштир”, деб қатъий ишонч билан дуо қилинади.

Дуонинг ижобат бўлиш шартлари

Дуонинг Аллоҳ тарафидан ижобат қилиниш шартлари куйидагилар:

1. Аллоҳга ихлос билан дуо қилиш. Ҳожатлари раво қилинишини фақат Аллоҳдан сўраш.

Ҳар қандай амалнинг қабул бўлишида ихлос муҳимдир. Ихлоссиз, фикру ҳаёли жойида бўлмаган ҳолда қилинган дуода яхшилик йўқ.

2. Гуноҳга, қариндошлик алоқаларни узишга дуо қилмаслик.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар банда гуноҳга ёки қариндошлик алоқаларини узишга дуо қилмаса, шошилмаса, унга ижобат қилинади”, деганларида, “Эй Расулуллоҳ, шошилиш қандай бўлади?” деб сўралди. Шунда у зот: “Банда: “Дуо қилдим, дуо қилдим, ҳеч ижобат қилинмади”, деб ноумид бўлади ва дуони тарк қилади”, дедилар¹⁰.

3. Қалбни ортиқча ўй-ҳаёллардан холи қилиш, дуо ижобат бўлишига аниқ ишониш.

Ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом шундай деганлар: “(Дуоларингиз) ижобат этилишига аниқ ишонган ҳолда Аллоҳга илтижо қилинглар! (Шуни) билинглар, Аллоҳ ғофил қалбдан дуони қабул қилмайди¹¹”.

4. Дуо қилувчининг таоми, ичимлиги ва либоси ҳалолдан бўлиши керак.

⁹ Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривоят қилган.

¹⁰ Муслим ривоят қилган.

¹¹ Термизий ва Ҳоким ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

Дуо қилувчи банда ҳаромдан касб қилган бўлса, унинг икки қўлини самога кўтариб қилган дуоси қабул бўлмайди. Шунинг учун банда, аввал ўзини тузатиши, ҳаётини ҳалол тарзда ўтказиши керак.

Куйидагилар дуонинг ижобатига тўсқинлик қилади:

1. Шариатда қайтарилган йўллар билан тирикчилик қилиш.
2. Дуонинг ижобатини кутмаслик, сабрсиз бўлиш.
3. Гуноҳ-маъсиятга ботиш;
4. Аллоҳ фарз қилган амалларни узрсиз тарк этиш;
5. Гуноҳ ишларни сўраш.

Мустажоб дуолар

Дуо қилувчи ким бўлишидан қатъи назар, агар ижобат бўлиш шартлари бажарилса, дуо қабул бўлади, иншааллоҳ. Шу билан бирга, маълум тоифалар дуоси ижобат бўлиши ҳақида хабар қилинган. Жумладан:

1. Мусулмон банданинг биродари ҳақида қилган дуоси;
2. Мазлумнинг дуоси;
3. Отанинг фарзанди ҳақида қилган дуоси;
4. Мусофирнинг дуоси;
5. Рўздорнинг ифторгача қилган дуоси;
6. Одил имомнинг дуоси;
7. Солиҳ фарзанднинг ота-онаси ҳақида қилган дуоси;
8. Кечаси уйғониб Аллоҳга илтижо қилган банданинг дуоси.
9. Ҳожининг дуоси;
10. Умра қилувчининг дуоси;
11. Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилувчи кишининг дуоси;
12. Аллоҳ яхши кўрган банданинг дуоси;
13. Маййит ҳақида қилинган дуолар (мустажобдир).

Дуо ижобат бўладиган вақтлар

Айрим вақтларда қилинган дуолар қабул бўлиши айtilган. Жумладан:

1. Қалб очилиб, Аллоҳга яқинлик пайдо бўлганда;
2. Туннинг охириг учдан бир қисми қолганда;
3. “Лаа илааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимийн” деб дуо қилинганда;
4. Таҳоратдан кейин маъсур дуолар ўқилганда;
5. Саждада;
6. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салават айtilганда;
7. Жума кунidaги бир соатда¹²;
8. Пешиндан олдинги вақтда;
9. Беш маҳал фарз намозидан кейин;
10. Азон ва икомат орасида;
11. Намоз қoим бўлганда;
12. Қаттиқ ёмғир ёғаётганда;
13. Мусибат вақтида;
14. Муборак рамазон ойида;
15. Лайлатул қадрда¹³;

¹² Жумхур уламолар жума кунidaги ижобат соати асрдан кейин эканини айтишган.

16. Зулҳижжа ойининг аввалги ўн кунида;
17. Арафа кунида;
18. Сафо ва Марвада;
19. Каъба ичида;
20. Ташриқ кунлари шайтонга тош отиш вақтида;
21. Мусулмонлар зикр мажлисида тўпланганида;
22. Холис ният билан замзам сувини ичганда;
23. Хўроз қичқирганда (қилинган дуо мустажобдир).

Дуода нималар сўралади?

Банда кўлини дуога очиб, Аллоҳга илтижо қилар экан, қуйидагиларни сўраши мақсадга мувофиқдир:

1. Аллоҳдан ҳидоятда бардавом қилиши;
2. Динда собитқадамлик;
3. Аллоҳдан дунёда ва охиратда авф қилиши ва офият бериши;
4. Дин, дунё ва охират салоҳияти;
5. Гуноҳларининг мағфират қилиши;
6. Аллоҳдан жаннатга киритиши ва жаҳаннамдан узоқлаштириши;
7. Ҳар бир ишда чиройли оқибат;
8. Неъматлар бардавомлиги;
9. Бошига оғир мусибат тушиши, бахтсизлик, ёмон оқибат ва душманлар ғаразидан Аллоҳ паноҳ бериши;
10. Элу юртга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, сиҳҳат-саломатлик сўралади.

Асосий қисм

Дунё ва охират яхшилигини сўраш

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ.

Дуонинг ўқилиши: *“Роббанаа аатинаа фид дунйаа ҳасана, ва фил аахироти ҳасанатав-ва қинаа азаабан наар”*.

Дуонинг маъноси: **“Парвардигоро, бизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қил ва бизни жаҳаннам азобидан сақла!”**

Бу дуо Қуръони каримнинг Бақара сураси 201-оятида келган. Унда Аллоҳни кўп зикр қилиш, У Зотдан дунё ва охират яхшиликларини сўраш таълим берилган.

Бу барча яхшиликларни ўзида жамлаган дуодир. Мужоҳид: “Одамлар: “Парвардигоро, бизга ризқу рўз бер ва нусрат ато эт”, деб дуо қилиб, охиратлари учун ҳеч нарса сўрамасдилар. Шунда ушбу оят нозил бўлди”, деган¹³.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Роббанаа аатинаа фид дунйаа ҳасана, ва фил аахироти ҳасанатав-ва қинаа азаабан наар”, деб кўп дуо қилардилар¹⁴.

Ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом “Ё Аллоҳ, агар мени охиратда жазолайдиган бўлсанг, жазойимни мана шу дунёда бер”, деб дуо қилаётган одамни кўриб қолиб: “Субҳаналлоҳ! У ҳолда ҳеч тоқат қилолмайсан. Сен (бунинг ўрнига): “Парвардигоро, бизларга бу дунёда ҳам, охиратда

¹³ Баъзи уламоларга кўра, Лайлатул қадр рамазоннинг 27-кечасидадир. Аммо “бу кечанинг вақти аниқ айтилмаган”, деган қавл кучли саналади.

¹⁴ Ибн Жарир ва Абд ибн Хумайд ривоят қилган.

¹⁵ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Абу Шайба ва Абу Яъло ривоят қилган.

ҳам яхшилик ато қил ва бизни жаҳаннам азобидан сақла!” деб дуо қилсанг бўлмайдими?!” дедилар. Бас, ўша киши (ўргатилганидек) дуо қилганди, Аллоҳ унга шифо берди¹⁶.

Ривоят қилинишича, Собит Анас ибн Моликка: “Биродарларинг ҳақларига дуо қилишингни сўрашяпти?” деганида, у: “Парвардигоро, бизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қил ва бизни жаҳаннам азобидан сақла!” деди. Собит яна дуо қилишни сўради. Анас: “Мен сизларга қийин қилиб қўйишни истамайман. Агар Аллоҳ сизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилиб, жаҳаннам азобидан сақласа, демак, барча яхшиликни берибди”, деди¹⁷.

اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ مَا سَأَلْنَاكَ مِنْهُ نَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا اسْتَعَاذَ مِنْهُ نَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنْتَ الْمُسْتَعَانُ وَعَلَيْكَ الْبَلَاءُ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма иннаа насъалука мин хойри маа саъалака минҳу набийюка муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва наувзу бика мин шарри мастаъазака минҳу набийюка муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва антал мустаъан, ва ъалайкал балаағ, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан Пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўраган яхши нарсаларни сўраймиз. Сендан Пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам паноҳ тилаган ёмонликлардан паноҳ тилаймиз. Сен ёрдам сўралувчисан, комиллик (ёки кифоя қилиш) сенга хос. Аллоҳдан ўзгада куч ва қувват йўқдир!”

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда кўп сўзлар билан дуо қилдилар. Уларнинг кўпини ёдлаб қолмадик. (Шу сабаб:) “Эй Расулulloҳ, сиз жуда кўп сўзлар билан дуо қилдингиз, улардан кўпи хотирамизда қолмади”, деганимизда, у зот: “Мана шуларнинг ҳаммасини жамловчи дуони ўргатайми?” Сен: “Аллоҳумма иннаа насъалука мин хойри маа саъалака минҳу набийюка муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва наувзу бика мин шарри мастаъазака минҳу набийюка муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва антал мустаъан, ва ъалайкал балаағ, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”, деб дуо қил”, дедилар¹⁸.

Имом Шавкони: “Бу дуодан кўра жамловчироқ ва манфаатлироғи йўқ. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жуда кўп саҳиҳ дуолар нақл қилинган. У зот паноҳ сўраш керак бўлган барча нарсдан паноҳ сўраганлар. Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳдан сўрамаган дунё ва охират яхшилигидан биронтаси қолмаган. У зот Аллоҳдан паноҳ сўрамаган дунё ва охират ёмонлигидан биронтаси қолмаган. Ким Аллоҳ азза ва жалладан Набий алайҳиссалом сўраган нарсаларнинг энг яхшисини сўраса ва у зот паноҳ тилаган нарсалардан паноҳ тиласа, демак, бошқа дуоларга ҳожат қолмабди”, деган¹⁹.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنَ الْخَيْرِ كُلِّهِ عَاجِلِهِ وَآجِلِهِ مَا عَلِمْتُ مِنْهُ وَمَا لَمْ أَعْلَمْ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِ مَا سَأَلْتُكَ عَبْدُكَ وَنَبِيُّكَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا عَاذَ مِنْهُ عَبْدُكَ وَنَبِيُّكَ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ وَمَا قَرَّبَ إِلَيْهَا مِنْ قَوْلٍ أَوْ عَمَلٍ وَأَسْأَلُكَ أَنْ تَجْعَلَ كُلَّ قَضَاءٍ تَقْضِيهِ لِي خَيْرًا.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний асъалука минал хойри куллиҳий ъаажилиҳий ва аажилиҳий, маа ъалимту минҳу ва маа лам аълам. Аллоҳумма инний асъалука мин хойри маа саъалака ъабдука ва набийюка муҳаммадун соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва аувзу бика мин шарри маа ъааза минҳу

¹⁶ Бухорий, Муслим, Термизий, Насойй, Аҳмад ва Абу Яъло ривоят қилган.

¹⁷ Бухорий, Ибн Абу Шайба ва Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

¹⁸ Термизий ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

¹⁹ “Тухфатул аҳвазий”.

ъабдука ва набийюк. Аллоҳумма инний асъалукал жанната ва маа қорроба илайҳаа мин қовлин ав ғамал, ва асъалука ан тажъала кулла қозоин тақзийҳи лий хойро”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, мен Сендан ҳар бир яхшиликни: унинг тез келадиганини ҳам, секин келадиганини ҳам, улардан ўзим биладиганимни ҳам, билмайдиганимни ҳам сўрайман! Ё Аллоҳ, Сендан банданг ва Пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўраган яхшиликларни сўрайман. Сендан банданг ва Пайғамбаринг (Муҳаммад алайҳиссалом) паноҳ тилаган ёмонликлардан паноҳ тилайман! Ё Аллоҳ, Сендан жаннат ва унга яқинлаштирувчи сўз ва амални, менга тақдир қиладиган ҳар бир нарсани мен учун хайрли қилишингни сўрайман!”

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом Оиша розияллоҳу анҳо онамизга мана шу дуони ўргатганлар²⁰.

Шайтон васвасасига қарши ўқиладиган дуолар

Шайтон банданинг ашаддий душманидир. Иблиснинг ёмонлигидан сақланиш учун Қуръон ва ҳадисларда келган маъсур дуолар ўқилади.

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аувзу биллааҳи минаш шайтонир рожийм”.

Дуонинг маъноси: “Тошбўрон қилинган шайтондан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман!”

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида икки киши (одобсизлик қилиб) сўкишди. Улардан бирининг юзида ғазаб аломати пайдо бўлди. Шунда Расулуллоҳ: “Мен бир сўзни биламан. Агар (манави киши) ўшани айтса, ғазаби босилади: аувзу биллааҳи минаш шайтонир рожийм”, деб марҳамат қилдилар²¹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ривоят қилади: “Агар биронтангиз “аувзу биллааҳи минаш шайтонир рожийм”, деса, унинг ғазаби сўнади²²”.

Ғазаб шайтондан. Шайтоннинг васвасасини даф қилиш учун Аллоҳ эсланади ва шайтон ёмонлигидан паноҳ сўралади.

أَعُوذُ بِاللَّهِ السَّمِيعِ الْعَلِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аувзу биллааҳис самийъил ғалийми минаш шайтонир рожийм”.

Дуонинг маъноси: “Тошбўрон қилинган шайтондан эшитувчи ва билувчи Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман!”

Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломдан ривоят қилади: “Ким тонг отганда “аувзу биллааҳис самийъил ғалийми минаш шайтонир рожийм”, деса ва Ҳашр сурасининг охирги уч оятини ўқиса, Аллоҳ унга 70.000 фариштани вакил қилади. (Ўша фаришталар) кечгача бандага салават айтадилар. Ким кеч кирганда (ўша калималарни) айтса ҳам шундай бўлади²³”.

Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу “Аувзу биллааҳис самийъил ғалийми минаш шайтонир рожийм”, деб паноҳ сўрар эди²⁴.

²⁰ Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

²¹ Термизий ривоят қилган.

²² Термизий ривоят қилган.

²³ Доримий ривоят қилган.

²⁴ Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَعُوذُ بِكَ رَبِّ أَنْ يَحْضُرُونِ أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ.

Дуонинг ўқилиши: “Робби аувзу бика мин ҳамазаатиш шайаатийн, ва аувзу бика робби ай-йаҳзурувн. Аувзу биллааҳи минаш шайтонир рожийм, инналлоҳа ҳувас самийғул ғалийм²⁵”.

Дуонинг маъноси: **“Раббим! Шайтонлар васвасасидан паноҳ беришингни сўрайман! Улар олдимга келишидан паноҳ беришингни сўрайман! Тошбўрон қилинган шайтондан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман. Зеро, Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир!”**

Мўминун сурасининг 97-98-оятларида Пайғамбаримиз алайҳиссаломга шундай дуо қилиш ўргатилган.

اللَّهُمَّ اعْصِمْنِي مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳуммаъсимний минаш шайтонир рожийм”.

Дуонинг маъноси: **“Ё Аллоҳ, мени тошбўрон қилинган шайтондан сақла!”**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар сизлардан биронтангиз масжидга кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берсин ва: “Аллоҳуммафтахлий абваба роҳматик”, десин. Агар у ердан чикса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берсин ва: “Аллоҳуммаъсимний минаш шайтонир рожийм”, деб айтсин”, деганлар²⁶.

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ ، اللَّهُ أَكْبَرُ كَبِيرًا أَعُوذُ بِاللَّهِ السَّمِيعِ الْعَلِيمِ
مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ مِنْ هَمَزِهِ وَنَفْخِهِ وَنَفْثِهِ.

Дуонинг ўқилиши: “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмуқ, ва таъаалаа жаддук, ва лаа илааҳа ғойрук. Аллоҳу акбару кабийро. Аувзу биллааҳис самийғил ғалийми минаш шайтонир рожийми мин ҳамзиҳий ва нафхиҳий ва нафсиҳ”.

Дуонинг маъноси: **“Ё Аллоҳ, Сен ҳар қандай нуксондан поксан. Сенга ҳамду санолар айтаман. Сенинг исминг улуғдир ва буюклигинг олийдир. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ улуғ Зотдир. Мен эшитувчи ва билувчи Аллоҳ тошбўрон қилинган шайтон васвасаси, пуфлаши ва нафасидан паноҳ беришини сўрайман”.**

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом тунда намоз ўқишга турсалар, такбир айтиб, кейин: “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмуқ, ва таъаалаа жаддук, ва лаа илааҳа ғойрук. Аллоҳу акбару кабийро. Аувзу биллааҳис самийғил ғалийми минаш шайтонир рожийми мин ҳамзиҳий ва нафхиҳий ва нафсиҳ”, деб дуо қилардилар²⁷.

Шайтон ва жинлар ёмонлигидан сақловчи кўрғон

Жин ва шайтонлар инсон боласига озор етказишга ҳаракат қилади. Уларнинг зиёнидан Қуръони ўқиш ва зикр айтиш билан ҳимояланиш мумкин. Қуйида бандани Аллоҳнинг изни билан шайтон ва жинлар озоридан сақлайдиган зикрларни келтирамиз.

1. Аллоҳни кўп зикр қилиш.

²⁵ Дуонинг бу сийғасини Абдураззоқ “Мусаннаф”да Ибн Товусдан нақл қилган.

²⁶ Ибн Можа ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

²⁷ Термизий, Доримий ва Аҳмад ривоят қилган.

عَنْ الْحَارِثِ الْأَشْعَرِيِّ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ أَمَرَ يَحْيَى بْنَ زَكَرِيَّا بِخَمْسِ كَلِمَاتٍ أَنْ يَعْمَلَ بِهَا وَيَأْمُرَ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنْ يَعْمَلُوا بِهَا... وَأَمْرُكُمْ أَنْ تَذْكُرُوا اللَّهَ فَإِنَّ مَثَلَ ذَلِكَ كَمَثَلِ رَجُلٍ خَرَجَ الْعَدُوُّ فِي أَثَرِهِ سِرَاعًا حَتَّى إِذَا أَتَى عَلَى حِصْنٍ حَصِينٍ فَأَخْرَزَ نَفْسَهُ مِنْهُمْ كَذَلِكَ الْعَبْدُ لَا يُخْرِزُ نَفْسَهُ مِنَ الشَّيْطَانِ إِلَّا بِذِكْرِ اللَّهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ خُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Хорис Ашъарийдан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Албатта Аллоҳ Яхё ибн Закариёга бешта калимани амр қилди, унга (ўзи) амал қилишини ва Бани Исроилни ҳам амал қилишга буюришни (амр қилди): мен сизларни Аллоҳни зикр қилишга буюраман. Зеро, бу душман ортидан шиддат билан қувиб келаётган кишига ўхшайди. У қачон мустаҳкам қўрғонга етиб борса, ўзини улардан сақлаб қолади. Худди шунингдек, банда фақат Аллоҳни зикр қилиш билан ўзини шайтондан сақлайди” (Термизий, Ҳоким, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Абу Яъло ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Шайтон бандани доим таъқиб қилади. Уни васваса қилиш, бирон зарар етказиш пайида бўлади. Банда шайтондан фақат Аллоҳни кўп эслаш билан ҳимояланади.

2. “Лаа илааҳа илаллоҳу ваҳдуҳув лаа шарийка лаҳ”ни 100 марта айтиш.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ فِي يَوْمٍ مِائَةٌ مَرَّةً كَانَتْ لَهُ عَدَلٌ عَشْرِ رِقَابٍ وَكُتِبَتْ لَهُ مِائَةٌ حَسَنَةٍ وَمُحِيتَ عَنْهُ مِائَةٌ سَيِّئَةٍ وَكَانَتْ لَهُ حِرْزًا مِنَ الشَّيْطَانِ يَوْمَهُ ذَلِكَ حَتَّى يُمْسِيَ وَلَمْ يَأْتِ أَحَدٌ بِأَفْضَلٍ مِمَّا جَاءَ بِهِ إِلَّا أَحَدٌ عَمِلَ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Ким бир кунда юз марта “Лаа илааҳа илаллоҳу ваҳдуҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулк ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа кулли шайъин кодийр”, деса, ўн нафар қулни озод қилгандек бўлади, унга юзта ҳасана ёзилади ва юзта гуноҳи ўчирилади, кечгача унинг учун шайтондан сақловчи қўрғон бўлади. Бирон киши у олиб келганидан афзалини келтиролмайди. Магар ким бундан кўпроқ қилса (ўша одам шундай фазилатга эришади)” (Бухорий, Муслим, Термизий, Ибн Можа, Молик ва Аҳмад ривоят қилган).

Ҳадиси шарифларда айтилишича, банда Қуръони каримни ўқиш билан жин ва шайтонлардан ҳимояланади. Хусусан, Бақара ва Оятул курсийни ўқиб юрган одам Аллоҳнинг паноҳида бўлади.

3. Бақара сурасини ўқиш.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا تَجْعَلُوا بُيُوتَكُمْ مَقَابِرَ إِنَّ الشَّيْطَانَ يَنْفِرُ مِنَ الْبَيْتِ الَّذِي تُقْرَأُ فِيهِ سُورَةُ الْبَقَرَةِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَابْنُ أَبِي حَاتِمٍ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Уйларингизни қабристонга айлантириб олманглар. Бақара (сураси) ўқиладиган уйдан шайтон қочади” (Муслим, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривоят қилган).

Тирик инсонлар яшайдиган жойда Аллоҳ зикр қилинади, намоз ўқилади, Қуръон тиловат қилинади. Акс ҳолда бундай уй қабристонга айланиб қолади. Аллоҳ зикридан холи уйни жин ва шайтонлар ўзига макон тутати. Аллоҳ доим зикр қилинадиган хонадонга жин ва шайтонлар яқинлашмайди.

4. Оятул курсийни ўқиш.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени Рамазон закотини қўриқлаш учун тайинладилар. (Мен уни қўриқлар эканман,) бир кимса келиб, қўл тиқиб таомдан ола бошлади. Мен уни ушлаб олиб, “Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига олиб бораман”, дедим. У: “Мени қўйиб юбор. Мен хожатманд кишиман, бола-чакам бор, жуда муҳтожман!” деди. Мен уни қўйиб юбордим. Тонг отгач, Набий алайҳиссалом: “Эй Абу Ҳурайра, кеча асиринг нима қилди?” дедилар. Мен: “Бола-чақаси борлиги ва муҳтожлигини айтиб ялинганди, раҳмим келиб қўйиб юбордим”, дедим. У зот: “У сени алдабди. (Эртага) яна қайтиб келади”, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “У яна қайтиб келади” деган сўзларидан унинг келишини билиб, кузата бошладим. (Айтилганидек) у келиб, таомдан ола бошлади. Мен уни ушлаб, “Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига олиб бораман”, дедим. У яна: “Мени қўйиб юбор. Жуда муҳтожман, бола-чакам бор. Бошқа қайтиб келмайман!” деди. Унга раҳм қилиб қўйиб юбордим. Тонг отгач, Расулуллоҳ: “Эй Абу Ҳурайра, кеча асиринг нима қилди?” деб сўрадилар. Мен: “У келиб муҳтожлиги ва бола-чақаси борлигини айтганди, раҳм қилиб қўйиб юбордим”, дедим. Расулуллоҳ: “У сени алдади, яна қайтиб келади”, дедилар. Учинчи сафар ҳам кузатдим. Бас, у келиб, таомдан ола бошлаган заҳоти ушлаб олиб, “Энди сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига олиб бормасам бўлмайди. Бу учинчиси. Сен: “Бошқа қайтиб келмайман”, деб ваъда бериб, барибир яна келдинг”, дедим. Шунда у: “Мени қўйиб юбор. Сенга (шундай) калималарни ўргатаман. Аллоҳ улар сабабидан сенга манфаат беради”, деди. Мен: “У қайси калималар?” деб сўрадим. У: “Агар тўшагингга ётсанг, Оятул курсий – “Аллоҳу лаа илааҳа иллаа ҳувал ҳайюл қойювм”ни охиригача ўқи. Шунда Аллоҳ томонидан сен учун бир ҳимоячи (фаришта) тушади, шайтон тонггача сенга яқин келолмайди”, деди. Мен уни қўйиб юбордим. Тонг отгач, Расулуллоҳ менга: “Кеча асиринг нима қилди?” дедилар. Мен: “Эй Расулуллоҳ, менга манфаатли бир неча калималарни ўргатишни ваъда қилганди, қўйиб юбордим”, дедим. “У қайси калималар экан?” деб сўрадилар. Мен: “У менга: “Агар тўшагингга ётсанг, Оятул курсий – “Аллоҳу лаа илааҳа иллаа ҳувал ҳайюл қойювм”ни бошидан охиригача ўқи. Шунда сенга Аллоҳ тарафидан бир қўриқчи (фаришта) тушади ва шайтон тонггача сенга яқинлашмайди”, деб айтди”, дедим. Улар яхшилик қилиш учун ўта ҳарисманд эдилар. Шундан сўнг Пайғамбар алайҳиссалом: “У ёлгончи бўлса ҳам, (бу сафар) сенга рост гапирибди. Эй Абу Ҳурайра, уч кечадан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми?” дедилар. Мен: “Йўқ”, дедим. У зот: “Ўша (сенга одам шаклида кўринган аслида) шайтон эди”, дедилар²⁸..

5. Бақара сурасининг охири икки оятини ўқиш.

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ осмонлар ва ерни яратмасидан икки минг йил аввал бир китоб ёзди ва ундан икки оят нозил қилиб, улар билан Бақара сурасини тамомлади. Агар (ўша икки оят) бирон уйда уч кеча (давомида) ўқилса, (ўша уйга) шайтон яқинлашмайди” (Термизий, Насоий²⁹, Доримий, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Байҳақий, Табароний ва Баззор ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

²⁸ Бухорий, Насойй ва Ибн Хузайма ривоят қилган.

6. Фалақ ва Нос сураларини ўқиш.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَهُ: يَا ابْنَ عَبَّاسٍ أَلَا أَدُلُّكَ أَوْ قَالَ: أَلَا أَخْبِرُكَ بِأَفْضَلِ مَا يَتَعَوَّدُ بِهِ الْمُتَعَوِّذُونَ قَالَ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ وَقُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ هَاتَيْنِ السُّورَتَيْنِ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ибн Обис Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Эй Ибн Обис, сенга паноҳ сўровчилар ўқийдиган энг афзал (суралар)ни ўргатайми?” дедилар. У: “Ҳа, эй Расулаллоҳ”, деди. У зот: “Қул аувзу бироббил фалақ” ва “қул аувзу бироббин наас” мана шу икки сура (паноҳ сўраладиган энг яхши суралардир)”, дедилар (Насоий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَعَوَّدُ مِنَ الْجَانِّ وَعَيْنِ الْإِنْسَانِ حَتَّى نَزَلَتْ الْمُعَوِّذَاتَانِ فَلَمَّا نَزَلَتَا أَخَذَ بِهِمَا وَتَرَكَ مَا سِوَاهُمَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Саид розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жин ва инсонлар кўзидан (баъзи дуолар билан) паноҳ сўрардилар. Муаввизатайн (яъни, Фалақ ва Нос сураси) нозил бўлгач, у зот иккисини олиб, бошқасини тарк қилдилар” (Термизий, Насоий ва Ибн Можжа ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Пайғамбар алайҳиссалом Фалақ ва Нос сураси нозил қилинишидан олдин баъзи дуоларни ўқиб, жин ва инсонлар кўзидан паноҳ сўрардилар. Мазкур икки сура туширилганидан кейин у зот бошқасини тарк қилганлар, Фалақ ва Нос суралари билан паноҳ сўрашни афзал билганлар.

Фарзанд талабида ўқиладиган дуолар

رَبِّ هَبْ لِي مِنَ الصَّالِحِينَ.

Дуонинг ўқилиши: “Робби ҳаблий минас солиҳийн”.

Дуонинг маъноси: “**Раббим! Менга солиҳ (фарзанд)лардан бер**”.

Бу дуо Соффот сурасининг 100-оятида Иброҳим алайҳиссалом тилидан айтилган.

Иброҳим алайҳиссалом қавмининг имонидан умид узгач, эмин-эркин ибодат қилиши мумкин бўлган диёрга ҳижрат қилишни истади ва Муқаддас замин томон юзланди. Ўз юртини ташлаб кетар экан, даъватига кўмаклашувчи солиҳ фарзанд сўраб Аллоҳга илтижо қилди. Шунда Аллоҳ Иброҳим алайҳиссаломга ўғил фарзанд башоратини берди. Саҳиҳ қавлларга кўра, бу Исмоил алайҳиссалом эди³⁰.

رَبِّ لَا تَذَرْنِي فَرْدًا وَأَنْتَ خَيْرُ الْوَارِثِينَ.

Дуонинг ўқилиши: “Робби лаа тазарний фардав-ва анта хойрул ваарисийн”.

Дуонинг маъноси: “**Раббим! Мени ёлғиз қолдирма. Зеро, Сен ворисларнинг энг яхшисисан**” (Анбиё сураси, 89-оят).

Кекса Закариё алайҳиссалом Аллоҳ таолога дуо қилиб, ўзидан кейин ишларини давом эттирувчи фарзанд сўраган. Бу дуо айнан у зот томонидан қилинган.

³⁰ Шаъбий ва Муҳаммад ибн Каъб бу оятда Исмоил алайҳиссалом туғилиши башорат қилинганини айтишган (Ибн Абу Ҳотим, Ибн Мунзир, Саид ибн Мансур ривоят қилган). Аммо Ҳасан Басрий, Қатода, Икрийма ва Убайд ибн Умайрга кўра, бу ерда Исҳоқ алайҳиссалом назарда тутилган (Абд ибн Ҳумайд ва Ибн Жарир ривоят қилган).

Меҳрибон Аллоҳ Закариё алайҳиссалом дуосини ижобат қилди ва унга “Яҳё” исми ўғил фарзанд ато этди.

Фарзанд Аллоҳнинг неъматидир. Фарзандни фақат қодир Аллоҳдан сўралади. Аллоҳ кимга қачон фарзанд беришни Ўзи билади. Фарзанд кўришни фақат оила қуриш билан боғлаш нотўғри. Агар Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса, эр-хотиннинг муносабати фарзанд вужудга келишига сабаб бўлолмайди. Ҳаммаси Аллоҳнинг иродасига боғлиқ. Шу билан бирга бандадан сабабларни юзага келтириш талаб этилади.

“Ал-Ворис” Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири. Бу исм барча махлуқотлар вафотидан сўнг Ёлғиз қолувчи ва якка ҳукмдор маъносини англатади.

رَبِّ هَبْ لِي مِنْ لَدُنْكَ وَلِيًّا.

Дуонинг ўқиши: “Робби ҳаббий мил ладунка валиййаа”.

Дуонинг маъноси: **“Раббим! Менга даргоҳингдан яқин дўст (фарзанд) бер”** (Марям сураси, 5-оят).

Бу ерда Закариё алайҳиссалом томонидан қилинган дуонинг бошқа шакли келтирилмоқда.

Закариё алайҳиссалом аёли бепушт эди. Аллоҳ уларга “Яҳё” исми фарзанд хушхабарини берганида Закариё бундан ажабланиди ва: “Аёлим туғмас кампир, ёшим бир жойга бориб қолган одам бўлсам, қандай қилиб фарзанд бўлади!?” деган маънода мурожат қилди. Аллоҳ бунга жавобан У Зот хоҳлаган ишини қилиши, инсонни йўқдан бор қилгани, бу иш Аллоҳга осонлигини билдирди.

* * * * *

Қуръони каримда Нух алайҳиссалом тилидан шундай дейилган: **“Ва мен: “Парвардигорингиздан мағфират сўранглар. Албатта У ўта Мағфиратли Зотдир. (Шунда) У устларингизга осмондан ёмғир қўйди ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад беради ҳамда сизларга боғу бўстонлар (ато) қилади ва сизларга оқар дарёлар (ато) қилади”, дедим”** (Нух сураси, 10-12-оятлар).

Нух алайҳиссалом қавмига:

– Эй қавмим, сизлар гуноҳларингиз кечирилиши учун Аллоҳга истиғфор айтинглар. У Зотга тавба қилинглар. Шунда Парвардигорингиз устингизга баракали ёмғир ёғдиради, молу давлат ва фарзандларингизни кўпайтиради, турли хил мевалар берувчи боғу бўстонларни, оқар дарёларни пайдо қилади, – деди.

Қавм ўткинчи дунё ҳаётига муккадан кетган бўлиб, мол-дунё ва фарзандларни жонидан ҳам ортиқ кўрарди. Шу сабаб бўлса керак, Нух алайҳиссалом уларни шу йўл билан Аллоҳга итоат этишга чақирган.

Айтилишича, саркаш қавм узоқ йиллар давомида қилинган даъватларни инкор этиб, юборилган пайғамбарларни ёлғонга чиқаргач, Аллоҳ таоло Нух алайҳиссалом қавмига қурғоқчилик юбориб, аёлларини туғмас қилиб қўяди. Шундан сўнг, имон келтирсалар, уларга яна фаровон ҳаёт берилиши, бошларидаги оғир кунлар аритилиши маълум қилинади.

Ривоят қилинишича, бир киши Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ олдида қурғоқчиликдан шикоят қилиб келганида, у зот: “Истиғфор айт!” деб маслаҳат берди. Бошқа одам келиб камбағаллик, яна бири фарзандларининг камлиги, тўртинчиси эса ерининг унумдорлиги пастлигидан шикоят қилди. Ҳасан Басрий уларнинг барчасини кўп истиғфор айтишга буюрди. Шунда Робийъ ибн Субайх: “Олдингизга қанча одам келиб, ҳар хил масалада шикоят қилган бўлса-да, уларни истиғфор айтишга буюрдингиз. Бунинг боиси нима?” деб сўради. Шунда Ҳасан Басрий саволга жавобан юқоридаги оятни ўқиб берган экан³¹.

Энди эътиборингизни Иброҳим алайҳиссаломга фарзанд берилиши ҳақидаги ибратли қиссага қаратамиз. Аллоҳ таоло айтади:

³¹ “Тафсийрул куртубий”, “Тафсийрун насафий”, “Тафсийрул кашшоф”.

“Дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушхабар билан келиб, салом бердилар. У ҳам: “Салом”, деди-да, қараб турмай қовурилган бир бузоқни келтирди. Энди қачон қўллари овқатга бормаётганини кўргач, уларни танитай қолди ва улардан хавфсирай бошлади. (Шунда) улар: “Қўркма! Бизлар Лут қавмига юборилганмиз”, дедилар. Хотини турган эди, кулди-хурсанд бўлди. Шунда Биз у аёлга Исҳоқ ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб ҳақида хушхабар бердик. У деди: “Вой ўлмасам, ўзим кампир, мана бу эрим эса қари чол бўлса ҳам туғавераманми? Бу жуда қизиқ иш-ку!” Улар айтдилар: “Аллоҳнинг амридан ажабланиясанми? Эй хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлғай. Албатта У ҳамду сано Эгаси ва Буюқдир” (*Ҳуд сураси, 69-73-оятлар*).

Аллоҳ таолонинг “дарҳақиқат, Бизнинг элчиларимиз Иброҳимга хушхабар билан келиб...” оятидаги элчилардан мурод Иброҳим алайҳиссаломга ўғли Исҳоқнинг туғилиши башоратини бериш учун юборилган бир гуруҳ фаришталардир.

Иброҳим алайҳиссалом ва фаришталар ўртасида ўзаро салом-алиқдан кейин улуғ пайғамбар “қараб турмай қовурилган бир бузоқни келтирди”.

Иброҳим алайҳиссалом ташриф буюрган элчиларни очик юз билан кутиб олиб, уларга иззат-икром билан муомала қилди. Бироқ меҳмонлар олдиларига тортилган нозу неъматлардан емаётганларини кўргач, Иброҳим алайҳиссалом қалбига кўркув тушди. Шунда фаришталар унинг қалбини хотиржам қилиш мақсадида: “Қўркма! Бизлар Лут қавмига юборилганмиз”, дедилар.

Яъни: эй Иброҳим, зинҳор кўркма! Биз инсон наслидан эмасмиз. Аллоҳ таоло бизни Лут қавмини ҳалок қилиш учун юборди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг аёли бу ҳодисага қандай муносабат билдиргани ҳақида шундай дейилган: “Хотини турган эди, кулди-хурсанд бўлди. Шунда Биз у аёлга Исҳоқ ҳақида ва Исҳоқдан кейин Яъқуб ҳақида хушхабар бердик”.

Қуртубийнинг таъкидлашича, ўша аёл Иброҳим алайҳиссалом амакисининг қизи Сора бинти Ҳорон ибн Нохурдир.

Фаришталар Иброҳимга айтган гапларини эшитган Сора севинганидан кулиб юборди. Шундан сўнг Сорага Исҳоқ, унинг кетидан Яъқубнинг хушхабари берилди.

Ўша вақтда Сора фарзанд кўриш ёшидан ўтган, аммо ўртада фарзанд йўқ эди. Сора башоратни эшитиб, ажабланди ва ҳайрон бўлиб шундай деди:

– Вой ўлмасам, ўзим кампир, мана бу эрим эса қари чол бўлса ҳам туғавераманми? Бу жуда қизиқ иш-ку!

Яъни: жуда ажойиб иш бўлди-ку! Мен фарзанд кўриш ёшидан ўтган бўлсам, эрим ҳам анча ёшга бориб қолган бўлса ҳам туғавераманми?!

Бунга жавобан фаришталар шундай дедилар: “Аллоҳнинг амридан ажабланиясанми?”

Яъни: шу ёшингда Аллоҳ таоло Ўз қудрати билан фарзанд ато қилишидан шубҳаланиясанми? Аллоҳ таолонинг қудрати чексиз. У ҳамма нарсага қодир Зотдир.

“Эй хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлғай”.

Фаришталар Иброҳим алайҳиссалом ва аёли Соранинг шодлигини янада зиёда қилиш учун:

– Эй, муҳтарам хонадон эгалари, сизларга Аллоҳнинг кенг раҳмати, чексиз хайр-баракаси бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло ҳамду сано ва шукрлар айтишга муносибдир. У Зот марҳаматини бандаларидан ҳаргиз дариг тутмайди.

Иброҳим алайҳиссаломга фарзанд берилиши ҳақидаги башорат бошқа сурада шундай келтирилган: “Бандаларимга Ёлғиз Мен мағфиратли, меҳрибон эканимни ва менинг азобим энг аламли азоблигини хабар қилинг. Яна уларга Иброҳимнинг меҳмонлари ҳақида хабар беринг. Ўшанда улар (Иброҳим алайҳиссалом) ҳузурига келиб: “Салом”, деганларида, у: “Биз сизлардан кўркмоқдамиз”, деди. Улар (шундай) дедилар: “Қўркма! Сенга бир билимдон ўғил хушхабарини етказамиз”. У деди: “Менга кексалик етган пайдида хушхабар келтирдингизми? Энди менга ниманинг ҳам хушхабарини етказар эдингиз”. Улар айтдилар: “Биз сенга ростдан ҳам хушхабар келтирдик. Бас, ноумид кимсалардан бўлма!” У деди: “Парвардигоримнинг фазлу раҳматидан фақат адашган кимсаларгина ноумид бўладилар” (*Ҳижр сураси, 49-56-оятлар*).

Аллоҳ таоло бандасига Ўзи хоҳлаган вақтда фарзанд беради. Аллоҳнинг фазлу карами кенг. Ёши ўтиб, фарзандли бўлишдан ожиздек кўринган бандаларига ҳам фарзанд неъматини ато этишга Қодирдир.

Демак, фарзанд кўриш талабида бўлганлар куйидагиларга аҳамият берадилар:

1. Аллоҳ таолодан солиҳ фарзанд сўраш.

Барча нарсани, жумладан, одамни ҳам Аллоҳ яратади. Шунинг учун банда фарзандни фақат Аллоҳдан сўрайди. Бу борада Аллоҳга бирон нарса шерик қилинмайди. Қабристонга бориб, баъзи авлиёлардан фарзанд талабида бўлиш ширк саналади.

2. Аллоҳга кўп истиғфор айтиш.

Истиғфор сабабидан банда гуноҳи кечирилади. Шу билан бирга бошига тушган муаммо ва машаққатлар арийди. Истиғфор айтиш фарзандсизликка даво экани Қуръони каримда Нух алайҳиссалом тилидан баён қилинган.

3. Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслик.

Банда Меҳрибон Аллоҳнинг раҳматидан зинҳор умидини узмасин. Аллоҳнинг раҳмати чексиз. Фарзанд сўрашда Аллоҳдан яхши гумон қилинади, дуо-истиғфорда бардавом бўлади. Иброҳим ва Закариё алайҳимус-саломлар қиссаси бизга ёрқин ибратдир.

4. Сабр-тоқатли бўлиш.

Кўп ҳолларда янги оила қурганлар бир йил ўтиб фарзандли бўлмаса, турли хаёлларга борилади, баъзи оғзи бўшлар улар ҳақида ножоиз гапларни тарқатиб юради. Аммо унутмайлик, Аллоҳ бандасига қачон фарзанд беришни Ўзи билади. Баъзида маълум сабабларга кўра ота-онанинг фарзанд кўриши кечикиши мумкин. Аллоҳнинг иродаси шундай бўлса, ожиз банданинг қўлидан нима ҳам келарди?!

5. Сабабларни юзага келтириш.

Яъни, фарзанд бўлишига сабаб ишларни амалга оширилади. Бу оилавий муомалада бўлиш, агар бетоб бўлса, даволаниш билан бўлади. Мана шу жиҳатлар жамланса, бирон натижага эришилади. Аммо мўмин банда воситаларга боғланиб қолмасдан, фарзандни Аллоҳ беришига аниқ ишонади.

Тинчлик-хотиржамлик сўраганда ўқиладиган дуолар

Сихҳат-саломатлик ва тинчлик-хотиржамлик араб тилида “офият” дейилади. Ҳадиси шарифларда дунё ва охират офиятини сўрашга тарғиб қилинган.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ رِفَاعَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَامَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ عَلَى الْمِنْبَرِ ثُمَّ بَكَى فَقَالَ: قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْأَوَّلِ عَلَى الْمِنْبَرِ ثُمَّ بَكَى فَقَالَ: اسْأَلُوا اللَّهَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فَإِنَّ أَحَدًا لَمْ يُعْطَ بَعْدَ الْيَقِينِ خَيْرًا مِنَ الْعَافِيَةِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

Муоз ибн Рифоъа отасидан ривоят қилади: “Абу Бакр Сиддиқ минбарда туриб йиғлаб юборди ва: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи йилда минбарда туриб йиғладилар ва: “Аллоҳдан авф ва офият сўранглар. Зеро, бирон кишига яқийндан кейин офиятдан-да яхшироқ (неъмат) берилмаган”, дедилар”, деб айтди” (Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

“Яқийн” бирон нарсани аниқ билиш маъносини англатади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الدُّعَاءُ لَا يُرَدُّ بَيْنَ الْأَذَانِ وَالْإِقَامَةِ قَالُوا: فَمَاذَا نَقُولُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: سَلُوا اللَّهَ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَحَسَنُهُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Азон ва иқомат ўртасида (қилинган) дуо қайтарилмайди”, деганларида, одамлар: “Нима

сўрайлик, эй Расулуллоҳ?” дейишди. Шунда у зот: “Аллоҳдан дунё ва охират офиятини сўранглар”, дедилар (*Термизий ривоят қилган ва санади ҳасан, деган*).

Азон ва иқомат орасида қилинган дуо ижобат бўлади. Унда Аллоҳдан дунё ва охират яхшиликлари, икки дунё офияти сўралади. Зеро, кимга икки дунёда офият бериладиган бўлса, ўша банда нажот топибди!

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الدُّعَاءِ أَفْضَلُ قَالَ: سَلْ رَبَّكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ثُمَّ أَتَاهُ فِي الْيَوْمِ الثَّانِي فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الدُّعَاءِ أَفْضَلُ قَالَ: سَلْ رَبَّكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ثُمَّ أَتَاهُ فِي الْيَوْمِ الثَّالِثِ فَقَالَ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ أَيُّ الدُّعَاءِ أَفْضَلُ قَالَ: سَلْ رَبَّكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَإِذَا أُعْطِيتَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَقَدْ أَفْلَحْتَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لِيَعْبَرَهُ.

*Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Эй Расулуллоҳ, энг афзал дуо қайси?” деб сўради. У зот: “Парвардигорингдан дунё ва охиратдаги авф ва офиятни сўра!” дедилар. У яна келиб: “Эй Расулуллоҳ, энг афзал дуо қайси?” деди. У зот яна: “Парвардигорингдан дунё ва охиратдаги авф ва офиятни сўра!” дедилар. Ўша одам учинчи сафар ҳам келиб: “Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, энг афзал дуо қайси?” деб сўради. У зот: “Парвардигорингдан дунё ва охиратдаги авф ва офиятни сўра! Агар сенга дунё ва охиратда авф ва офият берилса, аниқ нажот топибсан!” дедилар (*Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан лиғойриҳий*).*

Дунё ва охиратда офият сўрашга бундан ортиқ тарғиб қилинмаса керак.

Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳузурларига бориб: “Эй Расулуллоҳ, доим ўқиб юришим учун менга бир дуони ўргатинг”, дедим. У зот: “Аллоҳдан авф ва офият сўранг!” дедилар. Мен бошқа сафар бориб: “Эй Расулуллоҳ, менга бир дуони ўргатиб кўйинг, уни доим ўқиб юрай!” дедим. У зот: “Эй Аббос, эй, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиси, Аллоҳдан дунё ва охиратдаги авф ва офиятни сўранг!” дедилар³²”.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي دِينِي وَدُنْيَايَ وَأَهْلِي وَمَالِي اللَّهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَاتِي وَآمِنْ رَوْعَاتِي اللَّهُمَّ احْفَظْنِي مِنْ بَيْنِ يَدَيْ وَمِنْ خَلْفِي وَعَنْ يَمِينِي وَعَنْ شِمَالِي وَمِنْ فَوْقِي وَأَعُوذُ بِعَظَمَتِكَ أَنْ أُغْتَالَ مِنْ تَحْتِي.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний асʼалукал ʼаафията фид дунйаа вал аахиро. Аллоҳумма инний асʼалукал ʼафва вал ʼаафията фий дийний ва дунйаая ва аҳлий ва маалий. Аллоҳуммастур ʼавротий ва аамин ровʼаатий. Аллоҳуммаҳфазний мин байни ядайя ва мин холфий ва аъй-йамийний ва ʼан шимаалий ва мин фавқий ва аувзу биʼазоматика ан уғтаала мин таҳтий”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан дунё ва охират офиятини сўрайман. Ё Аллоҳ, Сендан динимда, дунёйимда, аҳлимда ва молимда авф ва офият сўрайман. Ё Аллоҳ, менинг авратларимни беркит, кўрқувимни арит. Ё Аллоҳ, мени олдимдан ва ортимдан, ўнгимдан ва сўлимдан, тепамдан ҳимоя қил. Сенинг улуғлигинг-ла ўзим билмаган ҳолда ҳалок қилинишдан паноҳ сўрайман!”

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом кеч кирганида ва тонг отганида “Аллоҳумма инний асʼалукал ʼаафията фид дунйаа вал аахиро. Аллоҳумма инний асʼалукал ʼафва вал ʼаафията фий дийний ва дунйаая ва аҳлий ва маалий. Аллоҳуммастур ʼавротий ва аамин

³² Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

ровъаатий. Аллоҳуммаҳфазний мин байни ядайя ва мин холфий ва ʔай-ямийний ва ʔан шимаалий ва мин фавқий ва аувзу биъазоматика ан уғтаала мин таҳтий”, деб дуо қилишни зинҳор тарк этмасдилар³³.

اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي بَدَنِي اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي سَمْعِي اللَّهُمَّ عَافِنِي فِي بَصَرِي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма ʔаафиний фий баданий. Аллоҳумма ʔаафиний фий самъий. Аллоҳумма ʔаафиний фий басорий, лаа илааҳа иллаа ант”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, менга баданимда офият бер! Ё Аллоҳ, менга қулоғимда офият бер! Ё Аллоҳ, менга кўзимда офият бер! Сендан ўзга илоҳ йўқ!”

Абдурахмон ибн Абу Бакрадан ривоят қилинишича, у отасига: “Эй отажон, ҳар тонгда ва кечқурун уч марта “Аллоҳумма ʔаафиний фий баданий. Аллоҳумма ʔаафиний фий самъий. Аллоҳумма ʔаафиний фий басорий, лаа илааҳа иллаа ант”, деб дуо қилаётганингизни эшитяпман?” деганида, отаси: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша лафзлар билан дуо қилганларини эшитганман. Мен у зот суннатларига амал қилишни истайман”, деб жавоб берган³⁴.

اللَّهُمَّ عَافِنِي مِنْ شَرِّ سَمْعِي وَبَصَرِي وَلِسَانِي وَقَلْبِي وَمِنْ شَرِّ مَنِّي.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма ʔаафиний мин шарри самъий ва басорий ва лисааний ва қолбий ва мин шарри манийий”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, менга қулоғим, кўзим, тилим ва қалбимнинг ёмонлигидан, манийимнинг (шаҳватимнинг) ёмонлигидан офият бер!”

Шутайр ибн Шакал ибн Ҳумайд отасидан ривоят қилади: “Мен: “Эй Расулуллоҳ, менга манфаатли дуони ўргатинг!” дедим. У зот: “Аллоҳумма ʔаафиний мин шарри самъий ва басорий ва лисааний ва қолбий ва мин шарри манийий”, деб айт”, дедилар³⁵”.

Бу ерда қулоқ, кўз, тил, қалб ва шаҳватнинг ёмонлигидан паноҳ сўраш ўргатилмоқда. Сабаби мана шу аъзолар хоҳишига муккадан кетиш бандани ҳалок қилади.

اللَّهُمَّ عَافِنِي فِيمَنْ عَافَيْتَ وَتَوَلَّيْتَنِي فِيمَنْ تَوَلَّيْتَ وَاهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ وَقِنِي شَرَّ مَا قَضَيْتَ وَبَارِكْ لِي فِيمَا أُعْطِيتَ إِنَّكَ تَقْضِي وَلَا يُقْضَى عَلَيْكَ إِنَّهُ لَا يَذِلُّ مَنْ وَالَيْتَ سُبْحَانَكَ رَبَّنَا تَبَارَكْتَ وَتَعَالَيْتَ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма ʔаафиний фийман ʔаафайт, ва тавалланий фийман таваллайт, ваҳдиний фийман ҳадайт, ва қиний шарро маа қозойт, ва баарик лий фиймаа аътойт, иннака тақзий ва лаа йўқзо ʔалайк, иннаҳув лаа йазиллу ман ваалайт, субҳаанака роббанаа табаарокта ва таъаалайт”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Ўзинг офият берганлар жумласида менга ҳам офият бер. Ўзинг қўллаганлар қаторида мени ҳам қўлла (ишимни ўнгла ёки муҳаббатингга дохил қил). Ўзинг ҳидоят қилганлар қаторида мени ҳам ҳидоят қил. Тақдир қилган нарсаларинг ёмонлигидан мени асра. Ато этган неъматларингни баракали қил. Зеро, Сен ҳукм қиласан, Сенга ҳукм қилинмас. Сен яхши кўрган (ёки қўллаган) банда хор бўлмас. Парвардигоро, Сен нуқсонлардан поксан, Сен улуг ва олийсан!”

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бобом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга витрда қуйидаги калималарни (ўқишни) ўргатдилар: “Аллоҳумма ʔаафиний фийман ʔаафайт, ва тавалланий фийман таваллайт, ваҳдиний фийман ҳадайт, ва қиний шарро маа қозойт, ва баарик лий фиймаа аътойт, иннака тақзий ва лаа йўқзо ʔалайк, иннаҳув лаа йазиллу ман ваалайт, субҳаанака роббанаа табаарокта ва таъаалайт³⁶”.

³³ Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ва Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

³⁴ Абу Довуд, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

³⁵ Насоий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

³⁶ Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ҳоким, Табароний ва Абу Яъло ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

Қарзни узишда ўқиладиган дуолар

Қуйида қарздорликдан қийналаётган одам ўқийдиган дуоларни ўрганамиз.

اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ وَأَغْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳуммакфиний биҳалаалика ёан ҳаромик, ва ағниний бифазлика ҳамман сиваак”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, мени ҳалол (ризқ)инг билан ҳаромдан сақла ва фазлинг ила ўзингдан ўзгага мухтож қилма!”

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир мукотаб³⁷ келиб: “Шартномада ёзилган пулни тўлашдан ожизман. Менга ёрдам қил!” деди. Али: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таълим берган дуони сенга ўргатайми? Агар бўйнингда тоғдек қарзинг бўлса ҳам, Аллоҳ уни адо қилади. Бас: “Аллоҳуммакфиний биҳалаалика ёан ҳаромик, ва ағниний бифазлика ҳамман сиваак”, деб дуо қил”, деди³⁸.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ وَالْبُخْلِ وَالْجُبْنِ وَضَلَعِ الدَّيْنِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика минал ҳамми вал ҳазан, вал ёажзи вал касал, вал бухли вал жубн, ва золаъид дайни ва голабатир рижаал”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан ғам-ташвиш, ожизлик, дангасалик, бахиллик, кўрқоқлик, қарзнинг оғирлиги ва кишиларнинг ғолиб чиқишидан паноҳ сўрайман!”

Кармоний шундай деган: “Ушбу дуо калималарни жамловчидир. Сабаби разолат уч хил бўлади: нафсоний, баданий ва хорижий (ташки). Биринчиси инсоннинг қуввати билан боғлиқ. У уч хилдир: ақлий, ғазабий ва шахвоний. Ғам-ташвиш ақлий, кўрқоқлик ғазабий, бахиллик шахвоний иллатдир. Ожизлик ва дангасалик баданий иллат саналади.... Қарзга ботиш ва кишиларнинг ғолиб келиши ташки иллатдир. Бу дуо барчасини ўзида қамраб олган”.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Талҳага: “Хизматкорларинг орасидан бири хизматимда бўлсин”, дедилар. Бас, Абу Талҳа мени олиб чиқди. Ортидан юриб бордим. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хизмат қилардим. Ҳар сафар тушганларида у зотнинг: “Ё Аллоҳ, Сендан қариликдан, маҳзунликдан, ожизликдан, дангасаликдан, бахиллик ва кўрқоқликдан, қарзнинг оғирлиги ва кишиларнинг ғолиб чиқишидан паноҳ сўрайман”, деб дуо қилганларини кўп эшитганман³⁹.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُبْنِ وَالْبُخْلِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ غَلَبَةِ الدَّيْنِ وَقَهْرِ الرِّجَالِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика минал ҳамми вал ҳазан, ва аувзу бика минал ёажзи вал касал, ва аувзу бика минал жубни вал бухл, ва аувзу бика мин голабатид дайни ва қоҳрир рижаал”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан ғам-ташвишдан паноҳ сўрайман. Сендан ожизлик ва дангасаликдан паноҳ сўрайман. Сендан кўрқоқлик ва бахилликдан паноҳ сўрайман. Сендан қарзнинг кўпайиб кетиши ва кишиларнинг ғолиб чиқишидан паноҳ сўрайман”.

³⁷ “Мукотаб” хожаси билан маълум миқдордаги пулни тўлаш шarti ила шартнома тузган кул. Келишилган миқдордаги пул тўланса, кул озод бўлади.

³⁸ Термизий, Аҳмад, Ҳоким, Табароний ва Баззор ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

³⁹ Насоий ривоят қилган. Ушбу ривоятни Бухорий ва Термизий батафсил нақл қилган. Юқорида келтирилган дуонинг лафзи ўша узун ривоятдан олинган.

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом кунларнинг бирида масжидга кирдилар. Қарасалар, ансонлардан “Абу Умома” деган киши ўша ерда экан. У зот: “Эй Абу Умома, намоз вақти бўлмаган маҳалда нега масжидда ўтирибсан?” деб сўрадилар. “Эй Расулуллоҳ, ғам-ташвишим кўп, қарзимни узиш оғирлик қилмоқда!” деди. Шунда у зот: “Сенга Аллоҳ унинг сабабидан ғамингни кетказиб, қарзингни адо қиладиган калималарни ўргатайми?” дедилар. “Ҳа, эй Расулуллоҳ!” деди у. Аллоҳнинг Пайғамбари: “Агар тонг отса ва кеч кирса, “Аллоҳумма инний аувзу бика минал ҳамми вал ҳазан, ва аувзу бика минал ʼажзи вал касал, ва аувзу бика минал жубни вал бухл, ва аувзу бика мин ғолабатид дайни ва қоҳрир рижаал”, деб айт”, дедилар. Абу Умома ўша калималар билан дуо қилганди, Аллоҳ унинг ғамини аритиб, қарзини адо қилди⁴⁰.

اللَّهُمَّ مَالِكَ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ وَتُعِزُّ مَنْ تَشَاءُ وَتُذِلُّ مَنْ تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ، رَحْمَنُ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَرَحِيمُهُمَا ، تُعْطِي مَنْ تَشَاءُ وَتَمْنَعُ مِنْهُمَا مَا تَشَاءُ إِقْضِ عَنِّي دَيْنِي.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма мааликал мулки туътил мулка ман ташаау ва танзиъул мулка мимман ташааъ, ва туъиззу ман ташаау ва тузиллу ман ташааъ, биядикал хойру иннака ʼалаа кулли шайъин қодийр. Роҳманад дуня вал аахироти ва роҳиймахумаа, туътий минҳумаа маа ташаау ва тамнаъу минҳумаа маа ташааъ, иқзи ʼанний дайний”.

Дуонинг маъноси: “Эй, мулклар Эгаси Аллоҳ! Сен хоҳлаганингга мулк берасан, хоҳлаганингдан мулкни тортиб оласан. Сен хоҳлаганингни азиз қиласан, хоҳлаганингни хор қиласан. Барча яхшилик Сенинг ихтиёрингдadir. Зеро, Сен барча нарсага қодирсан. Эй, дунё ва охиратнинг Раҳмони, иккисининг Раҳийми! Сен иккисидан хоҳлаганингча берасан, иккисидан хоҳлаганингча ман қиласан, қарзимни уз(ишга кўмак бер)!”

Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан⁴¹ ривоят қилинади: “Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламга қарзимдан шикоят қилгандим. У зот: “Эй Муоз, қарзинг адо қилинишини хоҳлайсанми?” дедилар. Мен: “Ҳа”, деб жавоб бердим. У зот: “Аллоҳумма мааликал мулки туътил мулка ман ташаау ва танзиъул мулка мимман ташааъ, ва туъиззу ман ташаау ва тузиллу ман ташааъ, биядикал хойру иннака ʼалаа кулли шайъин қодийр. Роҳманад дуня вал аахироти ва роҳиймахумаа, туътий минҳумаа маа ташаау ва тамнаъу минҳумаа маа ташааъ, иқзи ʼанний дайний”, деб айт. Агар ер юзи тўла қарзинг бўлса ҳам, сендан адо қилинади”, дедилар⁴²”.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْمَأْتَمِّ وَالْمَغْرَمِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика минал маъсами вал мағром”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан гуноҳга сабаб бўлувчи нарсадан ва қарздан паноҳ сўрайман”.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом намозда “Аллоҳумма инний аувзу бика минал маъсами вал мағром”, деб дуо қилардилар. Бир киши у зотга: “Ё Расулуллоҳ,

⁴⁰ Абу Довуд ривоят қилган. Ривоят санади заиф. Мунзирийга кўра, ривоят санадида Ғассон ибн Авф Басрий бор. У заиф ровийдир.

⁴¹ Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Муозга: “Сенга бир дуони ўргатайми? Агар уни ўқисанг, Уҳуд тоғича қарзинг бўлса ҳам, Аллоҳ уни сендан адо қиладиди? Эй Муоз “Аллоҳумма мааликал мулки туътил мулка ман ташаау ва танзиъул мулка мимман ташааъ, ва туъиззу ман ташаау ва тузиллу ман ташааъ, биядикал хойру иннака ʼалаа кулли шайъин қодийр. Роҳманад дуня вал аахироти ва роҳиймахумаа, туътийхумаа ман ташаау ва тамнаъу минҳумаа ман ташааъ, ирҳамний роҳматан туғнийний биҳаа ʼан роҳматин мин сиваак”, деб дуо қил!” дедилар (Табароний жайид санад билан ривоят қилган).

⁴² Ибн Абу Дунё “Дуо”да ривоят қилган.

қарздан кўп паноҳ сўраяпсизми?” деди. У зот: “Агар киши қарзга ботиб қолса, гапиради ва ёлғон ишлатади, ваъда бериб, унга хилоф қилади”, дедилар⁴³.

أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الْكُفْرِ وَالذَّيْنِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аувзу биллааҳи минал куфри вад дайн”.

Дуонинг маъноси: “Аллоҳдан куфр ва қарздан паноҳ беришини сўрайман”.

Абу Саиддан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аувзу биллааҳи минал куфри вад дайн”, деб дуо қилаётганларини эшитдим. Бир киши: “Эй Расулуллоҳ, қарзга ботишни куфрга тенглаштиряпсизми?!” деб сўради. Шунда Расулуллоҳ: “Ҳа”, деб жавоб бердилар⁴⁴”.

Абу Довуд “Сунан”да “Аллоҳумма инний аувзу бика минал куфри вал факр” деб ўқиладиган дуони келтирган. Мазкур дуо: “Ё Аллоҳ, Сендан куфр ва камбағалликдан паноҳ сўрайман” мазмунини ифодалайди.

Камбағаллик ва қарзга ботиш бандани исёнга бошлаши мумкин. Шу сабаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам куфр билан бир қаторда қарздорлик ва ночор аҳволга тушиб қолишдан паноҳ сўраган бўлсалар, ажаб эмас.

Ёмон туш кўрганда ўқиладиган дуолар

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَشَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَخْضُرُونِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аувзу бикалимаатиллааҳит тааммати мин ғозобиҳий ва шарри ъйбаадиҳий ва мин ҳамазаатиш шайаатийни ва ай-йаҳзурувн”.

Дуонинг маъноси: “Аллоҳнинг мукамал калималари билан Унинг ғазаби, бандаларининг ёмонлиги, шайтон васвасаси ва уларнинг ҳозир бўлишидан паноҳ сўрайман”.

Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрқувга қарши (ўқиладиган) бир қанча калималарни ўргатардилар: “Аувзу бикалимаатиллааҳит тааммати мин ғозобиҳий ва шарри ъйбаадиҳий ва мин ҳамазаатиш шайаатийни ва ай-йаҳзурувн”. Абдуллоҳ ибн Умар ушбу калималарни ақли кирган болаларига ўргатарди. Уларни ёзиб, ҳали балоғатга етмаганлари бўйнига осиб қўярди⁴⁵.

اللَّهُمَّ رَبَّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَمَا أَظَلَّتْ وَرَبَّ الْأَرْضَيْنِ وَمَا أَقْلَتْ وَرَبَّ الشَّيَاطِينِ وَمَا أَضَلَّتْ كُنْ لِي جَارًا مِنْ شَرِّ خَلْقِكَ كُلِّهِمْ جَمِيعًا أَنْ يَفْرُطَ عَلَيَّ أَحَدٌ مِنْهُمْ أَوْ أَنْ يَبْغِيَ عَزَّ جَارُكَ وَحَلَّ ثَنَاؤُكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма роббас самаваатис сабъи ва маа азоллат, ва роббал арозийна ва маа ақоллат, ва роббаш шайаатийни ва маа азоллат, кул лий жааром мин шарри холқика куллиҳим жамийъан ай-йафруто ъалайя аҳадум минҳум, ав ай-йабғия ъазза жаарука ва жалла санааук, ва лаа илааҳа зойрук, лаа илааҳа иллаа ант”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ! Етти осмон ва улар соя солган, ерлар ва улар кўтариб турган, шайтонлар ва улар адаштирганлар (яъни, инсу жинлар) Парвардигори! Барча махлуқотларинг ёмонлигидан, улардан бири менга адоват ёки зулм қилишидан сақла! Сенинг мададинг улугдир, мадҳинг олийдир. Сендан бошқа илоҳ йўқ, фақат Сен борсан!”

Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қилади: “Холид ибн Валид Махзумий Пайғамбар алайҳиссаломга шикоят қилиб, “Ё Расулуллоҳ, кечаси тинч ухломмаяпман!” деди. Шунда Набий алайҳиссалом: “Кечаси тўшагингга ётсанг, “Аллоҳумма роббас самаваатис сабъи ва маа азоллат, ва

⁴³ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насойй, Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

⁴⁴ Насойй, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Абу Яъло ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

⁴⁵ Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الشَّيْطَانِ وَسَيِّئَاتِهِ الْأَخْلَامِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика минаш шайтони ва саййиаатил аҳлаам”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан шайтон (васвасаси) ва ёмон тушлардан паноҳ сўрайман⁴⁷”.

Қуйида ёмон туш кўрганда нима қилиши ҳақидаги кўрсатмаларни ўрганамиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فِي آخِرِ الزَّمَانِ لَا تَكَادُ رُؤْيَا الْمُؤْمِنِ تَكْذِبُ وَأَصْدُقُهُمْ رُؤْيَا أَصْدَقُهُمْ حَدِيثًا وَالرُّؤْيَا ثَلَاثُ: الْحَسَنَةُ بُشْرَى مِنَ اللَّهِ وَالرُّؤْيَا يُحَدِّثُ الرَّجُلُ بِهَا نَفْسَهُ وَالرُّؤْيَا تَحْرِيصٌ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ رُؤْيَا يَكْرَهُهَا فَلَا يُحَدِّثْ بِهَا أَحَدًا وَلْيَتَّقِمْ فَلْيُصَلِّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالبَيْهَقِيُّ وَطَبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Охири замонда мўминнинг туши рост бўлади. Уларнинг туши рости сўзи энг ростидир. Тушлар уч хил бўлади: яхши (туш) Аллоҳдан башоратдир. Яна бир тушда киши ўзига-ўзи гапиради. Яна бир туш шайтондан маҳзунликдир. Бас, сизлардан биронтаси ўзи ёқтирмайдиган нарсани кўрса, уни ҳеч кимга айтмасин ва туриб дарров намоз ўқисин!” (Абу Довуд, Термизий, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий ва Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятга кўра, тушлар уч хил бўлади:

1. Кишини хурсанд қилувчи туш.
2. Банда қўп ўйлаган нарсаларнинг мясида акс этиши.
3. Шайтон васвасаси таъсирида қўрқинчли тушлар қўриш.

Қайси банда яхши туш кўрса, бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтиб, уни бошқа одамларга билдириши мумкин. Агар ёмон туш кўрса, ўрнидан туриб таҳорат олиб намоз ўқийди ва бу туш ёмонлигидан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайди. Шунда, иншааллоҳ, тушда кўрилган нарса инсонга зарар келтирмайди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ رُؤْيَا يُحِبُّهَا فَإِنَّمَا هِيَ مِنَ اللَّهِ فَلِيَحْمَدَ اللَّهَ عَلَيْهَا وَلِيُحَدِّثَ بِهَا وَإِذَا رَأَى غَيْرَ ذَلِكَ مِمَّا يَكْرَهُ فَإِنَّمَا هِيَ مِنَ الشَّيْطَانِ فَلْيَسْتَعِذْ مِنْ شَرِّهَا وَلَا يَذْكُرْهَا لِأَحَدٍ فَإِنَّهَا لَا تَضُرُّهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Ривоят қилинишича, Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганларини эшитган экан: “Сизлардан биронтангиз ўзига ёқадиган туш кўрса, бас, у Аллоҳдандир. Бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтсин ва уни (бошқаларга) билдирсин! Агар бундан бошқа ўзи ёқтирмайдиган нарсани кўрса, бас, у шайтондандир. Ўша туш ёмонлигидан паноҳ сўрасин ва уни ҳеч кимга айтмасин. Шунда (кўрган туши) унга зарар қилмайди” (Бухорий, Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган).

Ёмон туш кўрган одам уни ҳеч кимга айтмайди, тушнинг ёмонлигидан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайди. Аллоҳга таваккул қилган банда, турли ёмон хаялларга бормайди. Ёмон туш кўрганда унинг

⁴⁶ Термизий ва Табароний ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

⁴⁷ Буни Ибн Сунний Абу Хурайра розияллоху анхудан нақл қилган.

таъсирига берилиш, хаёли паришон ҳолда кўрқув билан юриш мўмин кишига тўғри келмайди. Аллоҳдан паноҳ тилаган, ўзини Парвардигорига топширган бандани ҳеч нарса безовта қилмайди.

عَنْ جَابِرٍ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ الرُّؤْيَا يَكْرَهُهَا فَلْيَصُتْ عَنْ يَسَارِهِ ثَلَاثًا وَلْيَسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ ثَلَاثًا وَلْيَتَحَوَّلْ عَنْ جَنْبِهِ الَّذِي كَانَ عَلَيْهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاحَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي حَتْمٍ.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар биронтангиз ёқимсиз туш кўрса, чап тарафига уч марта тупласин ва Аллоҳ шайтондан паноҳ беришини уч марта сўрасин. Кейин ётган жойидан бошқа тарафга ўгирилсин!”** (Муслим, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилган).

Бошқа ҳадисда: “Агар биронтангиз ёқимсиз туш кўрса, бас, ўгирилсин ва чап тарафига уч марта тупласин. Кейин Аллоҳдан ўша тушнинг яхшилигини сўраб, ёмонлигидан паноҳ тиласин⁴⁸!” дейилган.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الرُّؤْيَا الصَّالِحَةُ مِنَ اللَّهِ وَالْخُلُمُ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِذَا حَلَمَ فَلْيَتَعَوَّذْ مِنْهُ وَلْيَصُتْ عَنْ شِمَالِهِ فَإِنَّهَا لَا تَضُرُّهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالْدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالطَّبْرَانِيُّ.

Абу Қатодадан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Солиҳ туш Аллоҳдан. Ёмон туш шайтондан. Агар (биронтангиз шайтоний) туш кўрса, ундан паноҳ сўрасин ва чап тарафига тупласин. Шунда (кўрган туши) зарар келтирмайди”** (Бухорий, Сунан соҳиблари, Доримий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Табароний ривоят қилган).

Ривоят қилинишича, бир киши Набий алайҳиссалом ҳузурларига келиб, “Эй Расулуллоҳ, тушимда бошим узилиб тушгани кўрдим. Ортидан қувиб юрган эканман”, деди. Шунда Расулуллоҳ: “Бу шайтондандир. Бас, сизлардан ким ўзи ёқтирмайдиган туш кўрса, уни ҳеч кимга айтмасин ва шайтондан Аллоҳ паноҳ беришини сўрасин!” деб таълим бердилар⁴⁹.

Имом Нававий шундай деган: “Садақа молга келадиган балоларни даф қилганидек, ёмон тушдан паноҳ сўраш, чап тарафга туплаш банданинг ёқимсиз туш таъсиридан қутулишига ёрдам беради”.

Хуллас, банда яхши туш кўрса:

1. Аллоҳга ҳамд айтади;
2. Тушидан хурсанд бўлади;
3. Хоҳласа, кўрган тушини яқин кишиларига айтиши мумкин.

Агар ёмон туш кўриладиган бўлса:

1. Бу туш ёмонлигидан Аллоҳ паноҳ бериши сўралади (туриб намоз ўқилади);
2. Шайтон фитнасидан паноҳ тилайди;
3. Чап тарафга уч марта тупланади;
4. Бошқа томонга ўгирилиб ётади;
5. Бу тушни ҳеч кимга айтилмайди.

Бирон нарсадан кўрққанда ўқиладиган дуолар

حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ.

Дуонинг ўқилиши: “*Ҳасбуналлоҳу ва ниғмал вакийл*”.

Дуонинг маъноси: “*Бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилади. У энг яхши вакилдир*”.

⁴⁸ Ибн Можа ривоят қилган.

⁴⁹ Аҳмад ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Иброҳим алайҳиссалом бу дуони оловга ташланганида ўқиган. Одамлар: “(Курайш) одамлари сизларга қарши (саноксиз лашкар) тўплаган. Бас, улардан қўрқингиз!” деганларида, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам: “Бизга Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У Зот энг яхши Вакилдир”⁵⁰, дедилар⁵¹.

اللَّهُمَّ إِنَّا نَجْعَلُكَ فِي نُحُورِهِمْ وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شُرُورِهِمْ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма иннаа нажъалука фий нуҳувриҳим ва наувзу бика мин шурувриҳим”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сени уларнинг қаршисига қўямиз ва ёмонликларидан паноҳ беришингни сўраймиз”.

Ривоят қилинишича, Набий алайҳиссалом бирон қавмнинг зарар етказишидан қўрқсалар, “Аллоҳумма иннаа нажъалука фий нуҳувриҳим ва наувзу бика мин шурувриҳим”, деб дуо қилардилар⁵².

اللَّهُمَّ أَنْتَ عَضِدِي وَنَصِيرِي بِكَ أَحُولُ وَبِكَ أَصُولُ وَبِكَ أَقَاتِلُ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма анта ғазудий ва насийрий, бика аҳувлу ва бика асувлу ва бика уқотил”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сен ёрдамчимсан, кўмакчимсан. Сенинг ёрдаминг билан душманг ҳийласини қайтарман, уларга қарши туришга бардош бераман. Сенинг ёрдаминг-ла улар билан курашаман!”

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ғазотга борсалар, “Аллоҳумма анта ғазудий ва насийрий, бика аҳувлу ва бика асувлу ва бика уқотил”, деб дуо қилардилар⁵³.

Хавф-хатар вақтида ўқиладиган дуо

بِسْمِ اللَّهِ الَّذِي لَا يَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ.

Дуонинг ўқилиши: “Бисмиллааҳиллазий лаа йазурру маъасмиҳий шайъун фил арзи ва лаа фис самаа, ва хувас самийъул ғалийм”.

Дуонинг маъноси: “Унинг исми билан ерда ҳам, кўкда ҳам бирон нарса зарар келтиролмайдиган Аллоҳ (номи) билан (бошлайман). У Зот эшитувчи ва кўрувчидир”.

Банда баъзида қоронғиликдан, баъзида ер қимирлаши, кучли шамол ёки момақалдирикнинг қаттиқ гумбирлашидан қўркувга тушади.

Динимиз Ислонда бу масала ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Ҳадиси шарифларда қўркувга тушган, бирон мусибатга учраган, шамол ёки момақалдирикдан чўчиганда ўқиладиган дуолар ўргатилган. Жумладан, Бухорий ва Муслим нақл қилган ривоятда бирон нарсдан қаттиқ қўркиб кетганда “Лаа илааҳа иллоллоҳ”, дейиш таъкидланган.

عَنْ عُثْمَانَ ابْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ قَالَ: بِسْمِ اللَّهِ الَّذِي لَا يَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ لَمْ تُصِبْهُ فَجَاءَةٌ بَلَاءٍ حَتَّى يُصْبِحَ وَمَنْ قَالَهَا حِينَ يُصْبِحُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ لَمْ تُصِبْهُ فَجَاءَةٌ بَلَاءٍ حَتَّى يُمْسِيَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

⁵⁰ Оли Имрон сураси, 173-оят.

⁵¹ Бухорий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилган.

⁵² Абу Довуд, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ва Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

⁵³ Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким (коронғи тушганда) уч марта “Бисмиллааҳиллазий лаа йазурру маъасмиҳий шайъун фил арзи ва лаа фис самаа, ва ҳувас самийъул ъалийм”, деса, тонггача кутилмаган балога учрамайди. Ким уни тонгда уч марта айтса, кечгача кутилмаган балога дуч келмайди”, деганларини эшитганман**” (Абу Довуд ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Қайси банда ҳар куни тонгда ва кечқурунда уч марта “Бисмиллааҳиллазий лаа йазурру маъасмиҳий шайъун фил арзи ва лаа фис самаа, ва ҳувас самийъул ъалийм”, деса, унга ҳеч нарса зарар келтиролмайди”, деганлар⁵⁴”.

Ғам-ташвишга ботганда ўқиладиган дуолар

لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ.

Дуонинг ўқилиши: “Лаа иллааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимийн”.

Дуонинг маъноси: “(Ё Аллоҳ,) Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен айб-нуқсонлардан поксан. Мен зулм қилувчилардан бўлдим”.

Юнус алайҳиссалом наҳанг қорнида мана шу дуони ўқиган. Аллоҳ таоло айтади: “Зуннун – Юнуснинг (қавмидан)⁵⁵ ғазабланган ҳолда (ўз қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унинг зиёнига ҳукм қилмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) коронғи зулматларда туриб, “Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен айб-нуқсонлардан поксан, мен (ўз жонимга) зулм қилувчилардан бўлдим”, деб нидо қилган (пайтини эсланг⁵⁶). Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берамиз⁵⁷”.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “У билан дуо қилинса, ижобат этиладиган, у билан сўралса, бериладиган Аллоҳнинг исми (аъзами) Юнус ибн Маттонинг дуосидир”, деб айтганларини эшитдим ва: “Эй Расулуллоҳ, бу фақат Юнусга хосми ёки мусулмонлар жамоасига ҳам тегишлими?” деб сўрадим. Расули акрам: “У Юнусга ва (ўша калималар) билан дуо қилсалар, (қолган) мўминларга ҳам хосдир. Сен Аллоҳнинг “Худди шунингдек мўминларга ҳам нажот берамиз”, деганини эшитмаганмисан?” Бу Аллоҳга дуо қилганлар учун У Зот (тарафи)дан шартдир”, дедилар⁵⁸”.

Яна Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Қайси бир мусулмон киши Зуннун⁵⁹ наҳанг қорнида туриб, “Лаа иллааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимийн”, деб қилган дуоси билан илтижо қилса, Аллоҳ унга ижобат қилади”, дедилар⁶⁰”.

Ривоят қилинишича, Расули акрам шундай марҳамат қилганлар: “Мен сизларни Аллоҳнинг исми аъзамига далолат қилайми? Бу Юнуснинг “Лаа иллааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимийн”, деб қилган дуосидир. Қайси бир мусулмон (банда) ўша (дуо) билан касаллиги вақтида қирқ

⁵⁴ Термизий ва Ибн Можа ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

⁵⁵ Юнус ибн Матто алайҳиссалом Найнаво аҳлига пайғамбар қилиб юборилганди (Асъад Ҳавмад, “Айсарут тафосийр”).

⁵⁶ Юнус алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан ўз қавмини ҳақ йўлга даъват қилганида улар имон келтирмадилар. Аллоҳнинг азоби тушиши ҳақида огоҳлантирганида ҳам у қавм тавба қилмади. Шунда Юнус пайғамбар Яратганнинг: “Сабр қил”, деган буйруғини унутиб, қавмининг имонсизлигидан ғазабланган ҳолда ўз қишлоғидан чиқиб кетади ва ўзича: “Бу ишим учун Аллоҳ мени жазоламас”, деб ўйлайди. Лекин Аллоҳ таоло пайғамбарининг бу итоатсизлиги жазосига кенг қишлоғига сиғмаган Юнусни балиқнинг тор қорнига ҳибс қилиб қўяди. Шунда Юнус алайҳиссалом балиқ қорнида туриб юқоридаги оятда зикр қилингани каби нидо қилади (Алоуддин Мансур, “Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”).

⁵⁷ Анбиё сураси, 87-88-оятлар.

⁵⁸ Ибн Жарир ривоят қилган.

⁵⁹ “Нун” сўзи “балиқ” маъносини англатади. “Зуннун” исми “балиқ эгаси” маъносини англатади. Бу Юнус алайҳиссаломнинг исмидир. Бир гуруҳ пайғамбарларнинг икки хил исми бор. Масалан, Исо ва Масих, Иброҳим ва Халил, Муҳаммад ва Аҳмад.

⁶⁰ Термизий, Аҳмад, Ҳоким ва Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

кун Парвардигорига дуо қилса, унга шаҳидлик ажри берилади. Агар тузалиб кетса, гуноҳлари мағфират қилинган ҳолида соғаяди⁶¹”.

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “У билан дуо қилинса, ижобат этиладиган, у билан сўралса, бериладиган Аллоҳнинг исми аъзами “Лаа иллааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ золимиин” дуосидир⁶²”.

اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ وَابْنُ عَبْدِكَ وَابْنُ أَمَتِكَ نَاصِيَتِي بِيَدِكَ مَاضٍ فِي حُكْمِكَ عَدْلٌ فِي قَضَائِكَ أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ لَكَ سَمِيَتْ بِهِ نَفْسَكَ أَوْ عَلَّمْتَهُ أَحَدًا مِنْ خَلْقِكَ أَوْ أَنْزَلْتَهُ فِي كِتَابِكَ أَوْ اسْتَأْثَرْتُ بِهِ فِي عِلْمِ الْغَيْبِ عِنْدَكَ أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ رِبْعَ قَلْبِي وَنُورَ صَدْرِي وَجَلَاءَ حُرْنِي وَذَهَابَ هَمِّي.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний ъабдука вабну ъабдика вабну аматик, наасиятий биядик, маазин фийя ҳукмук, ъадлун фийя қозоук, асълука бикуллисмин ҳува лак, саммайта биҳий нафсак, ав ъалламтахув аҳадам мин холқик, ав анзалтахув фий катаабик, авистаъсарта биҳий фий ъилмил ғойби ъиндака ан тажъалал қуръаана робийъа қолбий, ва нувро содрий ва жилааъа ҳузний ва заҳааба ҳаммий”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, мен Сенинг бандангман, бандангнинг ўғлиман, чўрингнинг ўғлиман. Сенинг ҳукминг остидаман. Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Менга қилган ҳукминг адолатлидир. Сенга тегишли бўлган ҳар бир исм билан Сендан сўрайман – у исм билан ўзингни номлагансан ёки бандаларингдан бирига ўргатгансан ёки уни Китобингда нозил қилгансан ёки Ўз ҳузурингдаги ғайб илмидан олиб қўйгансан – Қуръонни қалбимнинг баҳори, қўнғлимнинг нури, маҳзунлигимни кетказувчи ва ташвишларимни аритувчи қил”.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Кимнинг бошига ғам-ташвиш тушса ва: “Аллоҳумма инний ъабдука вабну ъабдика вабну аматик, наасиятий биядик, маазин фийя ҳукмук, ъадлун фийя қозоук, асълука бикуллисмин ҳува лак, саммайта биҳий нафсак, ав ъалламтахув аҳадам мин холқик, ав анзалтахув фий катаабик, авистаъсарта биҳий фий ъилмил ғойби ъиндака ан тажъалал қуръаана робийъа қолбий, ва нувро содрий ва жилааъа ҳузний ва заҳааба ҳаммий”, деса, Аллоҳ унинг ғам-ташвишини кетказиб, чиқар йўлга пайдо қилади”, дедилар. Шунда: “Эй Расулуллоҳ, бунини ўрганиб олайликми?” дейилди. У зот: “Ҳа, уни эшитган одам ўрганиб олиши лозим”, дедилар⁶³”.

يَا حَيُّ يَا قَيُّوْمُ بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغِيْثُ.

Дуонинг ўқилиши: “Йаа ҳайю ва қойювм, бироҳматика астағийс”.

Дуонинг маъноси: “Эй, Абадий тирик Зот, барча ишларни қоим қилувчи Зот! Сенинг раҳматинг-ла мадад сўрайман!”

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом ғам-ташвиш вақтида: “Йаа ҳайю ва қойювм, бироҳматика астағийс”, деб дуо қилардилар⁶⁴”.

سُبْحَانَ اللَّهِ الْعَظِيمِ.

Дуонинг ўқилиши: “Субҳааналлоҳил ъазийм”.

Дуонинг маъноси: “Улуғ Аллоҳ (ҳар қандай нуқсондан) покдир!”

⁶¹ Ҳоким ривоят қилган.

⁶² Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

⁶³ Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Табароний, Абу Яъло ва Ибн Абу Шайба ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

⁶⁴ Термизий ва Ҳоким ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам бирон нарсдан ташвиш чексалар, бошларини осмонга кўтариб, “Субҳааналлоҳил ʼазийм”, деб дуо қилардилар. Агар дуога жидду жаҳд қилсалар, “йаа хайю, йаа қойювм”, деб айтардилар⁶⁵.

Ҳалимий: “Ушбу ривоятга кўра, Аллоҳга У Зотнинг гўзал исмлари билан дуо қилиш мандубдир”, деган⁶⁶.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ أَهَمِّ وَالْحَزَنِ وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ وَالْبُخْلِ وَالْجُبْنِ وَضَلَعِ الدَّيْنِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика минал ҳамми вал ҳазан, вал ʼажзи вал касал, вал бухли вал жубн, ва золаʼид дайни ва голабатир рижаал”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан ғам-ташвиш, ожизлик, дангасалик, бахиллик, кўрқоқлик, қарзнинг оғирлиги ва кишиларнинг ғолиб келишидан паноҳ сўрайман!”

Бу ривоятни Бухорий, Термизий ва Насойй Анас ибн Молик розияллоху анҳудан нақл қилган.

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْعَظِيمُ الْحَلِيمُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ.

Дуонинг ўқилиши: “Лаа илааҳа илаллоҳул ʼазиймул ҳалийм, лаа илааҳа илаллоҳу роббус самаваати вал арзи ва роббул ʼаршил ʼазийм”.

Дуонинг маъноси: “Азим ва Ҳалим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Осмонлар ва ернинг Парвардигори, улуғ Аршнинг Парвардигори Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”.

Расулуллоҳ алайҳиссалом ғам-ташвиш вақтида “Лаа илааҳа илаллоҳул ʼазиймул ҳалийм, лаа илааҳа илаллоҳу роббус самаваати вал арзи ва роббул ʼаршил ʼазийм”, деб дуо қилардилар⁶⁷.

Насойй Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳудан нақл қилган ривоятда: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бу дуони менга ўргатганлар ва бирон машаққатга дуч келганимда ўқишни тайинлаганлар”, дейилган⁶⁸.

اللَّهُمَّ رَحْمَتَكَ أَرْجُو فَلَا تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ وَأَصْلِحْ لِي شَأْنِي كُلَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма роҳматака аржув, фалаа такилний илаа нафсий торфата ʼайн, ва аслиҳ лий шаъний куллаҳ, лаа илааҳа иллаа ант”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, Сенинг раҳматингдан умидворман! Мени бир лаҳза ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма! Ҳамма ишимни ўнгла! Сендан ўзга илоҳ йўқ!”

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Аллоҳумма роҳматака аржув, фалаа такилний илаа нафсий торфата ʼайн, ва аслиҳ лий шаъний куллаҳ, лаа илааҳа иллаа ант” бошига ташвиш тушган одам ўқийдиган дуодир”, деганлар⁶⁹.

اللَّهُ اللَّهُ رَبِّي لَا أُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳ, Аллоҳу роббий, лаа ушрику биҳий шайъаа”.

Дуонинг маъноси: “Аллоҳ, Аллоҳ менинг Парвардигоримдир. Унга бирон нарсани шерик қилмайман”.

Асмоъ бинти Умайс розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менга: “Мусибат вақтида ўқишинг учун сенга бир нечта калималарни ўргатайми: Аллоҳ, Аллоҳу роббий, лаа ушрику биҳий шайъаа”, деганлар⁷⁰”.

⁶⁵ Термизий ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

⁶⁶ Муновий, “Файзул қодийр”.

⁶⁷ Бухорий, Муслим, Аҳмад, Табароний ва Абу Нуайм ривоят қилган.

⁶⁸ Ҳоким ушбу ривоят санади саҳиҳ, деган.

⁶⁹ Абу Довуд, Насойй, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

⁷⁰ Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад, Табароний ва Ибн Абу Шайба ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

Қийин аҳволда қолган киши айтадиган зикр

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ.

Дуонинг ўқилиши: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳил ғалийийил ғазийм”.

Дуонинг маъноси: “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). Улуғ ва буюк Аллоҳдан ўзгада куч ва қувват йўқдир”.

Куйидаги ривоятда мазкур дуони ўқиш фазилати ҳақида маълумот берилади.

عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا عَلِيُّ أَلَا أَعْلَمُكَ كَلِمَاتٍ إِذَا وَقَعَتْ فِي وَرْطَةٍ قُلْتَهَا قُلْتُ: بَلَى جَعَلَنِي اللَّهُ فِدَاكَ كَمْ مِنْ خَيْرٍ قَدْ عَلِمْتَنِيهِ قَالَ: إِذَا وَقَعْتَ فِي وَرْطَةٍ فَقُلْ: بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ فَإِنَّ اللَّهَ يَصْرِفُ بِهَا مَا يَشَاءُ مِنْ أَنْوَاعِ الْبَلَاءِ. رَوَاهُ ابْنُ السُّنِّيِّ فِي عَمَلِ الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ وَالطَّبْرَانِيُّ فِي الدُّعَاءِ.

Али розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Али, сенга мушкул аҳволга тушиб қолганингда айтадиган калималарни ўргатайми?” дедилар. Мен: “Ҳа, Аллоҳ сизга мени фидо қилсин! Менга қанча яхши нарсаларни ўргатдингиз!” дедим. У зот: “Агар қийин ҳолатда қолсанг, “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳил ғалийийил ғазийм”, десанг, Аллоҳ (ўша калималар) сабабидан ўзи хоҳлаган турли балоларни (сендан) даф қилади”, дедилар” (Ибн Сунний “Амалул явми вал лайла”да ва Табароний “Дуо”да ривоят қилган).

Мўмин банда бошига бирон мусибат тушса, юқоридаги дуони ўқийди. Ҳақиқий мўмин киши дунё ташвишлари, турли синовлар олдида ўзини йўқотиб қўймасдан, Аллоҳ мададига суянади.

Салавот айтиш ғам-ташвишлар аришига кифоя қилади

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш ғам-андуҳлар аришига етарлидир. Бу ҳақида кўп ривоятлар нақл қилинган.

عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا ذَهَبَ ثُلَاثًا اللَّيْلِ قَامَ فَقَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوا اللَّهَ اذْكُرُوا اللَّهَ جَاءَتْ الرَّاجِفَةُ تَتَّبِعُهَا الرَّادِفَةُ جَاءَ الْمَوْتُ بِمَا فِيهِ جَاءَ الْمَوْتُ بِمَا فِيهِ قَالَ: أَبِي قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَكْثَرُ الصَّلَاةِ عَلَيْكَ فَكَمْ أَجْعَلُ لَكَ مِنْ صَلَاتِي فَقَالَ: مَا شِئْتَ قَالَ: مَا شِئْتَ فَإِنْ زِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ قُلْتُ: النِّصْفَ قَالَ: مَا شِئْتَ فَإِنْ زِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ قَالَ: قُلْتُ: فَالثُّلُثَيْنِ قَالَ: مَا شِئْتَ فَإِنْ زِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ قُلْتُ: أَجْعَلُ لَكَ صَلَاتِي كُلَّهَا قَالَ: إِذَا تُكْفَى هَمُّكَ وَيُغْفَرُ لَكَ ذَنْبُكَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туннинг учдан икки қисми ўтганида туриб: “Эй одамлар! Аллоҳни зикр қилинглар! Аллоҳни зикр қилинглар” Рожифа келди. Ундан кейин Родифа келди (бу ерда қиёмат куни биринчи ва иккинчи сур чалиниши назарда тутилмоқда). Ўлим ўзидаги нарсалар билан келди.

Ўлим ўзидаги нарсалар билан келди!” деб айтардилар. Убай деди: “Мен: “Эй Расулуллоҳ, Сизга кўп салавот айтаман. Салавотимдан қанчасини Сизга бағишлай”, деб сўрадим. У зот: “**Хоҳлаганингчасини (бағишла)**”, дедилар. “Мен: “**Тўртдан бириними?**” дедим. “**Хоҳлаганингчасини (бағишла)**. Агар зиёда қилсанг, бу сен учун яхшидир”, дедилар. Мен: “**Ярминими?**” дедим. “**Хоҳлаганингчасини (бағишла)**. Агар зиёда қилсанг, бу сен учун яхшидир”, дедилар. “**Учдан иккисиними?**” дедим. У зот: “**Хоҳлаганингчасини (бағишла)**. Агар янада кўпайтирсанг, бу сен учун яхшидир”, дедилар. Мен: “**Салавотимнинг ҳаммасини Сизга бағишлайман**”, дедим. Шунда у зот: “**У ҳолда ғам-ташвиларингга кифоя қилади ва гуноҳларинг мағфират этилади**”, дедилар” *(Термизий, Ҳоким ва Абд ибн Ҳумайд ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).*

Бу ерда умрни ғанимат билиб, охират учун тайёргарлик кўриши кераклиги таъкидланиб, Расулуллоҳга кўп салавот айтиш ғам-ташвишлар аришига сабаб экани эслатилмоқда.

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Олдимга Парвардигорим томонидан бир (фаришта) келиб, “Қайси банда Сизга бир марта салавот айтса, (Аллоҳ) унга ўнта салавот айтади”, деди”, деб марҳамат қилдилар. Шунда бир киши: “Эй Расулуллоҳ, салавотимнинг ярмини Сизга бағишлайми?” деди. У зот: “Хоҳласанг, (шундай қил)”, дедилар. У: “Салавотимнинг барчасини Сизга бағишлайми?” деб сўради. У зот: “У ҳолда Аллоҳ сендаги дунё ва охират ғамига кифоя қилади”, дедилар⁷¹.

Жобир ибн Самура отасидан ривоят қилади: “Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик. Бир киши кириб келди ва: “Эй Расулуллоҳ, Аллоҳ азза ва жаллага энг яқин амал қайси?” деб сўради. У зот: “Рост сўзлаш, омонатни адо қилиш”, дедилар. Мен: “Эй Расулуллоҳ, зиёда қилинг!” дедим. У зот: “Тунги намоз, иссиқ кунларда рўза тутиш”, дедилар. Мен: “Эй Расулуллоҳ, яна зиёда қилинг!” дедим. У зот: “(Аллоҳни) зикр қилиш ва менга салавотни кўпайтириш камбағалликни қайтаради”, дедилар. Мен: “Эй Расулуллоҳ, яна зиёда қилинг!” дедим. Шунда у зот: “Сизлардан ким имомликка ўтса, бас, енгил (қироат) қилсин! Зеро, улар ичида кексалар, беморлар, заиф ва ҳожатманд кишилар бўлади”, дедилар⁷²”.

عَنْ جَبَّانِ بْنِ مُنْقِذٍ أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَجْعَلُ ثَلَاثَ صَلَاتِي عَلَيْكَ قَالَ: نَعَمْ إِنْ شِئْتَ قَالَ: الثَّلَاثِينَ قَالَ: نَعَمْ قَالَ: فَصَلَاتِي كُلَّهَا، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا نَ كُفَيْكَ اللَّهُ مَا أَهَمَّكَ مِنْ أَمْرِ دُنْيَاكَ وَآخِرَتِكَ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Ҳиббон ибн Мунқиздан ривоят қилинишича, бир киши: “Эй Расулуллоҳ, салавотимнинг учдан бирини сиз учун бағишлайман”, деди. У зот: “Ҳа, агар хоҳласанг (шундай қил)”, дедилар. У: “Учдан иккисини сиз учун бағишлайман”, деди. У зот: “Ҳа, (қилавер)”, дедилар. Ўша киши: “У ҳолда салавотимнинг ҳаммасини сиз учун бағишлайман”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “У ҳолда дунёнинг ва охират ишидан сени ташвишга солган нарсаларда Аллоҳ кифоя қилади”, дедилар *(Табароний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).*

Бошқа ҳадисларда бандани Қуръон ўқиш дуодан машғул қилса, Аллоҳ унга дуоғўйларга берадиган энг яхши нарсаларни ато қилиши айтилган. Демак, банда ўзи учун дуо қилишидан кўра салавот айтиши маъқулроқ экан.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ خَادِمِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنْ أَقْرَبَكُم مِّنِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي كُلِّ مَوْطِنٍ أَكْثَرُكُمْ عَلَيَّ صَلَاةً فِي الدُّنْيَا مَنْ صَلَّى عَلَيَّ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ وَلَيْلَةِ الْجُمُعَةِ مِائَةً مَرَّةً فَضَى اللَّهُ لَهُ

⁷¹ Абдураззоқ ривоят қилган.

⁷² Абу Нуайм ривоят қилган. Бу ривоят Ибн Қаййимнинг “Жалаул афҳом” китобида нақл қилинган.

مَائَةٌ حَاجَةٌ سَبْعِينَ مِنْ حَوَائِجِ الْآخِرَةِ وَثَلَاثِينَ مِنْ حَوَائِجِ الدُّنْيَا ثُمَّ يُوَكَّلُ اللَّهُ بِذَلِكَ مَلَكًا يُدْخِلُهُ فِي قَبْرِى كَمَا يُدْخِلُ عَلَيْكُمْ الْهَدَايَا يُخْبِرُنِي مَنْ صَلَّى عَلَيَّ بِاسْمِهِ وَنَسَبِهِ إِلَى عَشِيرَتِهِ فَأَنْبَتَهُ عِنْدِي فِي صَحِيفَةٍ بَيْضَاءَ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ الْمُنْذِرِ وَابْنُ عَسَاكِرَ.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ходимлари Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ алайҳиссалом: **“Қиёмат куни сизларнинг менга ҳар бир ўринда яқин бўладиганингиз дунёда менга кўпроқ салават айтганингиздир. Ким менга жума куни ва тунида юз марта салават айтса, Аллоҳ унинг юзта ҳожатини – охиратдан етмишта ва дунёдан ўттизта ҳожатини раво қилади. Кейин Аллоҳ бунга бир фариштани вакил қилади. У (ўша айтилган салавотни) худди сизларга ҳадялар олиб киргани каби қабримга киргизади ва менга салават айтганининг исми ва аҳли оиласигача (бўлган) насабини менга хабар қилади. Кейин уни ҳузуримдаги оқ саҳифага ёзиб қўяди”, дедилар**” (Байҳақий⁷³, Ибн Мунизир ва Ибн Асокир ривоят қилган).

Ким Расулуллоҳга ихлос билан кўп салават айтса, Аллоҳ тарафидан ўша банданинг дунё ва охират ташвишлари раво қилинади.

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган ҳадисда: “Ким менга бир кунда 100 марта салават айтса, Аллоҳ унинг 100 та ҳожатини – охиратидан 70 тасини ва дунёсидан 30 тасини раво қилади⁷⁴”, дейилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Сен бирон ҳожатинг раво бўлишини сўрасанг, бас, Аллоҳ азза ва жаллага муносиб тарзда ҳамду сано айт. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салават йўлла. Кейин дуо қил. Шунда ҳожатинг раво қилиниши муносиброк бўлади⁷⁵”.

Қисқа салават турлари

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ.

“Аллоҳумма солли ғалаа муҳаммадив-ва ғалаа аали муҳаммад”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Муҳаммадга ва Муҳаммад оиласига салават йўлла”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ.

“Аллоҳумма солли ғалаа муҳаммадинин набиййил уммиййи ва ғалаа аали муҳаммад”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, уммий пайғамбар Муҳаммадга ва Муҳаммад оиласига салават йўлла”.

صَلَّى اللَّهُ عَلَى مُحَمَّدٍ.

“Соллаллоҳу ғалайҳи ва саллам”.

Маъноси: “Аллоҳ Муҳаммадга салават йўлласин”.

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

“Соллаллоҳу ғалайҳи ва саллам”.

Маъноси: “Аллоҳ Муҳаммадга салават ва салом йўлласин”.

⁷³ Байҳақий бу ривоятни “Шуабул иймон”да нақл қилган.

⁷⁴ Ибн Мандаҳ ривоят қилган. Ибн Қаййим уни “Жалаул афҳом”да нақл қилган.

⁷⁵ Ибн Қаййим “Жалаул афҳом”да нақл қилган.

اَللّٰهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ.

“Аллоҳумма солли ва саллим ва баарик ъалайҳ”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, у зотга салавот ва салом йўлла, баракангни давомли қил”.

اَللّٰهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَسَلِّمْ.

“Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аалиҳий ва саллим”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Муҳаммадга ва у зот оиласига салавот ва салом йўлла”.

اَللّٰهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَهْلِ بَيْتِهِ.

“Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аали муҳаммад, ва ъалаа аҳли байтиҳ”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Муҳаммадга, Муҳаммад оиласи ва аҳли байтига салавот йўлла”.

Истихора дуоси

“Истихора” сўзи луғатда “яхшилик сўраш” маъносини билдиради. Шаръий истилоҳда, банданинг намоз ўқиш ёки дуо қилиш билан Аллоҳ наздида яхши саналган ишга йўллашнинг сўраши истихорадир.

Уламолар истихора суннатлигига иттифоқ қилишган. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан нақл қилинган ривоятда: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга ҳар бир ишда⁷⁶, худди Қуръондан сура ўргатгандек⁷⁷, истихора қилишни таълим берардилар”, дейилган⁷⁸. Унга кўра, истихора қилмоқчи бўлган одам икки ракат нафл намоздан кейин дуо қилади.

Куйида истихора дуосини келтирамиз.

اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ اَسْتَحْيِرُكَ بِعِلْمِكَ وَاسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ وَاسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيْمِ فَاِنَّكَ تَقْدِرُ وَلَا اَقْدِرُ وَتَعْلَمُ وَلَا اَعْلَمُ
وَاَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوْبِ اَللّٰهُمَّ اِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ اَنَّ هَذَا الْاَمْرَ خَيْرٌ لِّيْ فِيْ دِيْنِيْ وَمَعَاشِيْ وَعَاقِبَةِ اَمْرِيْ اَوْ قَالَ فِيْ عَاجِلِ اَمْرِيْ
وَآجِلِهٖ فَاقْدُرْهُ لِيْ وَاِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ اَنَّ هَذَا الْاَمْرَ شَرٌّ لِّيْ فِيْ دِيْنِيْ وَمَعَاشِيْ وَعَاقِبَةِ اَمْرِيْ اَوْ قَالَ فِيْ عَاجِلِ اَمْرِيْ وَآجِلِهٖ
فَاصْرِفْهُ عَنِّيْ وَاصْرِفْنِيْ عَنْهُ وَاقْدُرْ لِيْ الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ رَضِّنِيْ بِهِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний астахийрука биъилмик, ва астақдирука биқудротик, ва асъалука мин фазликал ʿазийм, фаиннака тақдиру ва лаа ақдир, ва таъламу ва лаа аълам, ва анта ʿаллаамул ғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳаазал амро хойрул-лий фий дийний ва маъааший ва ʿаақибати амрий вақдурҳу лий, ва ин кунта таъламу анна ҳаазал амро шаррул-лий фий дийний ва маъааший ва ʿаақибати амрий фасрифҳу ʿанний васрифний ʿанҳ, вақдур лиял хойро ҳайсу каана сумма роззиний биҳ”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Қудратинг билан Сендан қодирлик ва улуғ фазлингни сўрайман. Зеро, Сен қодирсан, мен ожизман. Сен билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбни билувчисан. Ё Аллоҳ, агар мана шу ишим динимда, ҳаётимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб эт. Агар мана шу ишим динимда, ҳаётимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун

⁷⁶ Бунда дунёга тегишли ишлар назарда тutilади. Сабаби охират ишларида истихора қилишга ҳожат йўқ. Киши намоз ўқимокчи, рўза тутмоқчи ёки садақа бермоқчи бўлса, истихора қилиши шарт эмас. Аммо сафарга чиқишда, оила қуришда, олди-сотди каби ишларда истихорага эҳтиёж бор.

⁷⁷ Бу нарса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам истихорага алоҳида эътибор берганларига далолат қилади.

⁷⁸ Бухорий, Сунан соҳиблари, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ва Табароний ривоят қилган.

ёмон бўлса, уни мендан ва мени ундан узоқлаштир. Қаерда бўлса ҳам, мен учун яхшиликни тақдир қил ва мени ундан рози қил”.

Тўрт мазҳаб уламолари иттифоқиға кўра, банда бирон иш бошлашдан олдин, унинг яхши ёки ёмонлигини билолмаса, истихора қилади. Ибодатларда ва маъсиятларни тарк қилишда истихораға ҳожат йўқ. Аммо ҳажга кетишда манзилға омон етиб олишни сўраб истихора қилса бўлади.

Уламолар қандай истихора қилиш борасида уч хил қавлни айтишган:

1. Тўрт мазҳаб уламолари иттифоқиға кўра, истихора қилиш учун фарздан ташқари икки ракат намоз ўқиб, кейин дуо қилинади.

2. Ҳанафий, моликий ва шофеъий мазҳаби уламоларига кўра, фақат дуонинг ўзи билан ҳам истихора қилса бўлади.

3. Моликийлар ва шофеъийлар наздида, ҳар қандай намоздан кейин истихора қилиш мумкин.

Истихорада мана бу дуони ўқиш ҳам жоиз.

اللَّهُمَّ خِرْ لِي وَاخْتَرْ لِي.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма хир лий, вахтар лий”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, ишимни яхши қил. (Икки ишдан) яхшисини танлашимға мадад бер”.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом бирон ишға киришмоқчи бўлсалар, “Аллоҳумма хир лий, вахтар лий”, деб дуо қилардилар⁷⁹.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَنَسُ إِذَا هَمَمْتَ بِأَمْرٍ فَاسْتَخِرْ رَبَّكَ فِيهِ سَبْعَ مَرَّاتٍ ثُمَّ انْظُرْ إِلَى الَّذِي يَسْبِقُ إِلَى قَلْبِكَ فَإِنَّ الْحَيِّرَ فِيهِ. رَوَاهُ ابْنُ السُّنِّيِّ فِي عَمَلِ الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Анас, агар бирон ишни ният қилсанг, бас, Парвардигорингға бу борада етти марта истихора қил. Кейин қалбингға устун келган нарсаға қара. Зеро, яхшилиқ ўшандадир”, дедилар” (Ибн Сунний “Амалул явми вал-лайла” да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Истихора намози ёки дуоси етти мартагача ўқилади. Кейин Аллоҳ дуони ижобат қилиши сабр билан кутилади.

Истихорадан кейин қалбнинг очилиши, ундан чигаллик ва иккиланишнинг кетиши истихоранинг қабул бўлгани аломатидир.

Иши оғирлашган кишининг дуоси

اللَّهُمَّ لَا سَهْلَ إِلَّا مَا جَعَلْتَهُ سَهْلًا وَأَنْتَ تَجْعَلُ الْحَزْنَ سَهْلًا إِذَا شِئْتَ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма лаа саҳла иллаа маа жаъалтаҳув саҳлаа, ва анта тажъалул ҳазна саҳлан изаа шиът”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, фақат Сен осон қилган нарсагина осондир. Агар хоҳласанг, машаққатни енгил қиласан”.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Аллоҳумма лаа саҳла иллаа маа жаъалтаҳув саҳлаа, ва анта тажъалул ҳазна саҳлан изаа шиът”, деб дуо қилганлар⁸⁰.

Кўз тегишига қарши айтиладиган зикр

⁷⁹ Термизий, Абу Яъло, Баззор ва Кузоъий ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

⁸⁰ Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ.

Дуонинг ўқилиши: “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”.

Дуонинг маъноси: “Аллоҳ хоҳлагани (бўлади). Аллоҳдан ўзгада қувват йўқ!”

Бу дуо молу давлат ва фарзанд неъматига эришганда, уларга эга бўлиб турганда ўқилади. Шунда Аллоҳнинг изни билан неъматлар завола топмайди, кўз тегиши ва турли шикаст-офатлардан саломат бўлади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَنْعَمَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى عَبْدٍ نِعْمَةً فِي أَهْلِ أَوْ مَالٍ أَوْ وَلَدٍ فَيَقُولُ: مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ إِلَّا دَفَعَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ كُلَّ آفَةٍ حَتَّى تَأْتِيَهُ مَنِيَّتُهُ وَقَرَأَ "وَلَوْلَا إِذْ دَخَلْتُ رَوْاهُ أَبُو يَعْلَى وَابْنُ مَرْذُوقٍ وَابْنُ أَبِي هَاشِمٍ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло бирон бандага оиласи, моли ёки фарзандида бирон неъмат берганида: “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”, деса, умрининг охиригача Аллоҳ таоло ундан ҳар қандай офатни даф қилади”, дедилар. Сўнгра “Агар боғингга кирганингда...” оятини тиловат қилдилар (Абу Яъло, Ибн Мардавайҳ ва Байҳақий ривоят қилган).

Бошқа ҳадисда шундай дейилган: “Ким ўз мулкида бирон нарсани кўриб, ундан кўзи қувнаса, бас, “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”, деб айтсин. Шунда бу молга офат етмайди⁸¹”.

Ривоят қилинишича, Ибн Шихоб молу давлати ичида бўлганида, “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”, деб айтарди ва “Агар боғингга кирсанг...” оятини тафаккур қиларди⁸².

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах” тўксон тўққиз дардга даводир. Уларнинг энг энгили ғам(-ташвиш)дир⁸³”.

Ривоят қилинишича, Зухайр ибн Муҳаммаддан “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах” калимасининг маъноси ҳақида сўралди. Шунда у: “Сен ўзинг яхши кўрган нарсани фақат Аллоҳнинг ёрдами билан қўлга киритасан. Сенга ёқмайдиган нарсалардан Аллоҳнинг мадади билан узоқ бўласан”, деди⁸⁴.

Кучли шамол пайтида ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا وَخَيْرَ مَا فِيهَا وَخَيْرَ مَا أُرْسِلَتْ بِهِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا وَشَرِّ مَا فِيهَا وَشَرِّ مَا أُرْسِلَتْ بِهِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма инний асъалука хойроҳаа ва хойро маа фийҳаа, ва хойро маа урсилат бих, ва аувзу бика мин шарриҳаа ва шарри маа фийҳаа, ва шарри маа урсилат бих”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, мен (бу шамолнинг) яхшилигини, ундаги ва у билан юборилган яхшилиқни сўрайман. Мен (бу шамолнинг) ёмонлигидан, ундаги ва у билан юборилган ёмонликдан паноҳ сўрайман”.

Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом қаттиқ шамол эсганида, “Аллоҳумма инний асъалука хойроҳаа ва хойро маа фийҳаа, ва хойро маа урсилат бих, ва аувзу бика мин шарриҳаа ва шарри маа фийҳаа, ва шарри маа урсилат бих”, деб дуо қилардилар. Агар

⁸¹ Байҳақий “Шуабул иймон”да ривоят қилган.

⁸² Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

⁸³ Ибн Мардавайҳ ривоят қилган.

⁸⁴ Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

об-ҳаво айниса, у зотнинг ранглари ўзгарарди. Чиқиб кириб, бориб келардилар. Агар ёмғир ёгса, Расулуллоҳнинг безовталиклари кетарди⁸⁵.

Расулуллоҳ алайҳиссалом умматларига шу қадар меҳрибонликларидан, кучли шамол бўлганда, Аллоҳ бу шамол билан умматимга бирон мусибат юбормасмикан, деб безовталаниб қолар эканлар. Агар ёмғир ёгса, қалблари хотиржам бўлар экан у зотнинг.

Ёмғир сўрашда ўқиладиган дуолар

اللَّهُمَّ اغْنِنَا اللَّهُمَّ اغْنِنَا اللَّهُمَّ اغْنِنَا.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма агиснаа, аллоҳумма агиснаа, аллоҳумма агиснаа”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, устимизга ёмғир ёғдир! Ё Аллоҳ, устимизга ёмғир ёғдир! Ё Аллоҳ, устимизга ёмғир ёғдир!”

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир киши жума куни дорул қазо тарафдан масжидга кириб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам турган ҳолда хутба қилаётгандилар. Ўша киши Пайғамбар алайҳиссаломга юзланиб, “Эй Расулуллоҳ, моллар ҳалок бўлди, йўллар тўсилди. Аллоҳга дуо қилинг, устимизга ёмғир ёғдирсин!” деди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини юқори кўтариб, “Аллоҳумма агиснаа, аллоҳумма агиснаа, аллоҳумма агиснаа”, деб дуо қилдилар. Аллоҳга қасамки, биз ва уйлар ҳамда маҳаллалардаги тор йўлақлар ўртасида на тўп-тўп ва на бўлак-бўлак булутларни кўраётгандик. (У зот дуоларидан кейин) худди қалқонга ўхшаш булут чиқиб келди. (Ўша булут) осмоннинг ўртасида ёйилиб кетди ва ёмғир ёға бошлади. Аллоҳга қасамки, биз олти кун қуёшни кўрмадик. Ҳалиги киши жума куни яна ўша эшикдан кириб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам турган ҳолда хутба қилаётгандилар. У Пайғамбар алайҳиссаломга юзланиб, “Эй Расулуллоҳ, моллар ҳалок бўлди, йўллар тўсилиб қолди. Аллоҳга дуо қилинг, ёғаётган ёмғирни тўхтатсин!” деди. Бас, Расулуллоҳ икки қўлларини кўтариб, “Аллоҳумма ҳаваалайна ва лаа ʼалайнаа, аллоҳумма ʼалал аакаами вал-жибаали вал-аажаами ваз-зироби вал-авдияти ва манаабитиш шажар”, деб дуо қилдилар. Шундан сўнг ёмғир ёғиши тўхтади. Биз кўчага чиқиб қуёш чарақлаб турганганини кўрдик ва шу ҳолда тарқалдик⁸⁶.”

اللَّهُمَّ اسْقِنَا غَيْثًا مُغِيثًا مَرِيئًا مَرِيئًا نَافِعًا غَيْرَ ضَارٍّ عَاجِلًا غَيْرَ آجِلٍ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳуммасқинаа ғойсан муғийсан марийъан марийъаа, наафиъан ғойро зорр, ʼаажилан ғойро аажил”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, устимизга беиён, манфаатли, оқибати хайрли, баракали ва фойдали, кечикмайдиган, тез келувчи ёмғир ёғдир!”

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига йиғловчи аёллар келди. У зот: “Аллоҳуммасқинаа ғойсан муғийсан марийъан марийъаа, наафиъан ғойро зорр, ʼаажилан ғойро аажил”, деб дуо қилдилар. Бас, шу онда уларни булутлар қуршаб олди⁸⁷.

اللَّهُمَّ اسْقِ عِبَادَكَ وَبَهَائِمَكَ وَأَنْشُرْ رَحْمَتَكَ وَأَخِي بَلَدَكَ الْمَيِّتَ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳуммасқи ʼибаадака ва баҳааимик, ванишур роҳматака ва аҳйи баладакал маййит”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, бандаларинг ва махлуқотларингни суғор, раҳматингни тарқат ва ўлик шахрингни тирилтир”.

⁸⁵ Муслим, Термизий, Байҳақий ва Абу Авона ривоят қилган.

⁸⁶ Бухорий, Муслим, Насой, Ибн Хузайма ва Байҳақий ривоят қилган.

⁸⁷ Абу Довуд, Ибн Можа, Ҳоким ва Ибн Хузайма ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом ёмғир ёғишини сўрасалар, “Аллоҳуммаски ъибаадака ва баҳааимик, ваншур роҳматака ва аҳйи баладакал маййит”, деб дуо қилардилар⁸⁸.

اللَّهُمَّ ضَعْ فِي أَرْضِنَا بَرَكَتَهَا وَزَيْتَهَا وَسَكَنَهَا.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма зоъ фий арзинаа барокатаҳаа ва зийнатаҳаа ва саканаҳаа”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, еримизга баракасини, зийнати⁸⁹ ва сокинлигини⁹⁰ (хотиржамлигини) тушир!”

Самурадан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ алайҳиссалом ёмғир сўрасалар, “Аллоҳумма зоъ фий арзинаа барокатаҳаа ва зийнатаҳаа ва саканаҳаа”, деб дуо қилардилар⁹¹.

Ҳаддан зиёд ёмғир ёққанда ўқиладиган дуо

اللَّهُمَّ حَوَالَيْنَا وَلَا عَلَيْنَا اللَّهُمَّ عَلَى الْآكَامِ وَالْجِبَالِ وَالْأَجَامِ وَالظُّرَابِ وَالْأَوْدِيَةِ وَمَنَابِتِ الشَّجَرِ.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма ҳаваалайна ва лаа ъалайнаа, аллоҳумма ъалал аакаами вал-жибаали вал-аажаами ваз-зироби вал-авдияти ва манаабитиш шажар”.

Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ, (ёмғирни) устимизга эмас, атрофимизга (ёғдир)! Ё Аллоҳ, (ёмғирни) кичик тепаликлар, тоғлар, ўрмонлар, баландликлар, водийлар ва дарахтлар ўсадиган жойларга (ёғдир)!”

Қурғоқчилик ҳам, ёмғирнинг ҳаддан ташқари кўп ёғиши ҳам инсонларга зарар етказади. Шунинг учун бандалар Аллоҳ таолога дуо қилиб, ўзларига керакли миқдорда ёмғир ёғдиришини сўрайдилар. Кексаларимиз бежизга: “Аллоҳ ўт балосидан, сув балосидан асрасин!” дея дуога қўл очишмайди.

Аллоҳ таоло элу юртимизга, дунёдаги барча мусулмонларга тинчлик-хотиржамлик, сихҳат-саломатлик ато этсин, бизларни икки дунёда саодатли бандалардан қилсин!

Сўзимизни Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтиш, У Зотнинг Расули Муҳаммад Мустафога салават ва саломлар йўллаш билан якунлаймиз!

⁸⁸ Абу Довуд, Молик, Байҳақий ва Абдураззоқ ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

⁸⁹ Ернинг зийнати ундаги ўсимлик ва набототдир.

⁹⁰ Ернинг сокинлигидан мурод ёмғир. Сабаби сув етарли бўлса, одамлар қалби хотиржам бўлади (“Ат-тайсийр бишарҳил жомиъис соғийр”).

⁹¹ Табароний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.